



ЖАМИЯТ

Махсус сон
2023 йил
30 июнь,
Жума

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

[@jamiyatgzt@mail.ru](mailto:jamiyatgzt@mail.ru)



t.me/bonguz1

Бугун мамлакатимиз ёшларига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Ўз билими, салоҳити ва интилиши билан ота-онаси, устозларининг ишончини оқлашга интиломқда. Улар энг камида учта тилни билади, замонавий технологияларни ўзлаштирган, ихтиро қилишга чоғланган, янгиликлар ташаббускори. Шунинг учун ҳам бугун ёшларга Янги Ўзбекистон бунёдкорлари деб қаралмоқда. Бунёдкорлар учун эса барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғамхўрилги туфайли мамлакат тарихида аввал кузатилмаган ҳолат — беқиёс имконият ва имтиёзлар ёш авлод учун яратиб берилмоқда. Бундан руҳланган, ўқиб, олим бўлай, одам бўлиб шу жонажон Ўзбекистоним равнақиға ҳисса кўшай, деган йигит-қизлар сафи эса кун сайин кенгайиб бормоқда. Биз маррани баланд олган ана шундай ёшлар сафиға кенг минбар бермоқ ниятида 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан Республика “Жамият” ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус сонини чоп этдик. Бу борада таҳририятнинг таклифини муносиб қўллаб-қувватлагани боис Ёшлар ишлари агентлиги жамоасига, мазкур жамоа раҳбари, ёш ва шижоатли Алишер Саъдуллаевга миннатдорлик билдирамыз.





Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Ўзбекистон – аҳолиснинг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этувчи давлатдир. Бу ижтимоий гуруҳнинг фаоллиги ва ҳаракатчанлиги мамлакатни янада илғор ривожлантиришда муҳим ресурс бўлгани учун ёш авлод доимо давлатнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу объектив ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг доимий эътиборида.

Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш яқунлари эълон қилиниб, ёшларга кенг имкониятлар яратиш борасидаги ишларни кўриб чиқишни талаб этувчи масалалар танқидий кўриб чиқилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик базаси мустаҳкамланаётгани ёшларга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин далилидир. Қонунчиликнинг таҳлили ёшлар салоҳиятини юзага чиқариш ва ёшларнинг ўзларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш борасидаги сиёсатнинг асосий элементларини аниқлаш имконини беради. Бу, биринчи навбатда, таълим олиш бўлиб, усиз ёшларни амалга ошириш имкониятларини тасаввур этиш қийин.

Сўнгги 8 йил давомида таълимнинг ривожланиш тарихига мурожаат этилса, олий ўқув юрлари сони ортишига ҳам, таълимга сифатли ёндашишга ҳам таъсир кўрсатган кенг қўламли ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Ҳар йили янги университетлар ташкил этилаётгани, улар ўртасида абитуриентларни танлашда рақобат кучайиб бораётганини кузатамиз.

Шу билан бирга, таълим шаклини танлаш имкониятлари кенгаймоқда, бугунги кунда ҳар бир абитуриент ўзи учун қулай ва мақбул таълим шакли – кундузги, сиртки, масофавий таълимни танлаши мумкин. Бу ҳатто 7 йил олдин мавжуд бўлмаган ёшларнинг таълим билан қамраб олиншини сезиларли даражада оширади.

Мутлақо ҳар бир киши тегишли танловдан ўтиб, бюджет асосида ўқиши мумкин, лекин контракт асосида ўқиётганлар учун ҳам қулай тўлов масаласи ўйланган. Ўтган йили **130 минг талабага 1,7 триллион сўм** таълим кредити ажратилиб, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. **53 минг нафар кам таъмин-**

ланган талаба таълим олиш учун тўлов-контракт тўлаш, **15 минг нафар йигит-қиз** ҳарбий хизматни ўташ харажатларини қоплаш ва **13 минг нафари** чет тилини ўрганиш учун моддий ёрдам олди. **81 минг талабага** ижара тўлови учун компенсация тақдим этилди.

Ёшларга оид сиёсатни амалга оширишни мувофиқлаштириш Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига юклатилган. Агентлик ёшларнинг ҳаракатчанлиги ва ахборотни тезкорлик билан тақдим этиш зарурлигини эътиборга олиб, ҳар бир ёш Агентлик томонидан кўрсатилаётган кўмак ҳақида маълумот олиши, шунингдек, рўйхатдан ўтиш ва имтиёзли кредитлар, ўз бизнесини очиш, таълим олиш, юридик ёки психологик маслаҳатлар кўринишида ёрдам сўраб мурожаат этиши мумкин бўлган платформа ишлаб чиқилди. Худди шу платформада махсус дастур ҳақида маълумот мавжуд. **300 мингдан ортиқ ёшларни** қўллаб-қувватлаш учун қарийб **600 миллиард сўм** миқдоридан маблағ ажратилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун **4 триллион сўм** миқдоридан кредитлар ажратилиб, **150 мингта лойиҳа** ишга туширилди, **325 минг иш ўрни** яратилди. **43 минг гектар** экин майдонлари ажратилиб, **435 минг нафар** ёшлар иш билан таъминланди. **32 мингдан ортиқ киши** субсидиялар ҳисобидан асбоб-ускуналар, асбоблар ва компьютерлар сотиб олди.

2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга қабул қилган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариш амалиёти жорий этилди. Ўт-

ган давр мобайнида **9 мингдан ортиқ корхона** бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, **100 минг нафар ёшлар** иш билан таъминланди. Бу амалиёт яхши самара берди ва Давлат раҳбари ушбу имтиёزلарни яна икки йилга узайтириш ташаббуси билан чиқди.

Ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда комплекс қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Сўнгги янгиликлардан бири – “**Янги Ўзбекистон ёшларининг ташаббуслари**” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил этилди. Жамғармага **100 миллион АҚШ доллари** ажратилиб, у иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоялари, стартаплари ва лойиҳаларига қулай ва имтиёзли шартларда, заруратга кўра, фойсиз йўналтирилади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича турли чора-тадбирларни жорий этиш ташаббуслари мамлакатимиз раҳбариятидан келиб чиқмоқда ва бу масалаларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биргаликда ва комплекс ёндашмоқда. Юртбошимиз ўз маърузаларида ёшлар билан ишлаш барча раҳбарлар, кенг жамоатчилик ва бутун жамиятимизнинг энг муҳим вазифаси эканини қайта-қайта таъкидлаганларидек, мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш қанчалик кенг қўламли эканини кўриб турибмиз. Бу барча соҳалар – таълим олиш, бандликни таъминлаш, моддий фаровонлик даражаси ошиши, карьера бўйича кўтарилиш имкониятлари, меҳнат бозорига мослашиш ва бошқаларга тааллуқлидир.

Ёш авлоднинг ҳаракатчанлиги ва фаоллиги, ўз навбатида, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги стратегик йўналишни белгилаб беради, чунки бу жамият ва давлатдаги ўзгаришлар самарадорлигининг барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Виктория АЛЕКСЕЕВА,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида бир қатор хайрли ташаббуслар амалга ошириляптир. Яъни ёшларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Чунки мустақил ҳаётга кадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, ИТ-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар ривожланишнинг ягона йўлидир. Жадидаларимиз айтганидек, нажот таълимдадир.

Айнан шу жиҳатлар инobatга олиниб, сўнгги 7 йил мобайнида ёшлар сиёсати доир жами 106 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2016 йил 14 сентябрь куни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. 2017 йили мамлакатимизда 30 июнь – “Ёшлар куни”

ҳам фарзандларимиз ботиниб бориб, уларга мурожат қилгани торгинишарди. Маҳаллада ёшлар билан ишловчи алоҳида ходимнинг, аниқроғи, ёшлар етакчиси лавозимининг жорий қилиниши эса ёшлар муаммоларининг ижобий ҳал этилишини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Зеро, «Ёшларнинг бўш вақти – душманнинг иш вақти» деган нақлни унутмайлик. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, адабий кеча ва учрашувлар уюштирилиши, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Айниқса, алоҳида иқтидор ва истеъдод соҳибларига эътиборнинг кучайтирилиши, кўрик-танловлар ғолибларининг рағбатлантирилиши ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларимиз ҳам эътиборга молик.

Куйида рақамларга юзланадиган бўлсак, деярли барча соҳада ёшларнинг ривожланишига доир ишларнинг амалга ошириляётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўтган 6 йил давомида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишида:

— Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг муам-

Худудларда 12 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 1,9 минг нафар ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилди.

“Бир нурунийга ўн нафар ёш” тамойили остида 5 900 нафардан зиёд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёшлар фахрий нурунийларга бириктирилиб, маҳаллаларда 1320 мартага яқин “Нуруний ва ёшлар”, “Икки авлод учрашуви” каби тадбирлар ўтказилди.

Истеъдодларни ундиришимиз керак, синдириш эмас...

Инчунун, бугунги кунда азалий миллий кадриятларимиз ва анъаналаримиз моҳиятини тўғри англаб этиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида олий ўқув юртлари билан маҳалланинг ўзаро алоқасини қатъий йўлга қўйилиши кўзланган мақсад сари муҳим кадам бўлди.

Президентнинг юқоридаги қарори хайрли саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми ва Учинчи Ренессанс бунёдкорлари – ўғил-қизларимизга нисбатан давлатимизнинг навбатдаги ғамхўрлиги дея аниқ айтиш мумкин. Жумладан, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир ташаббусларни барча ёшларни бирдек руҳлантирди. Мисол учун, бундай та-

ҲАЁТГА КўЧАЁТГАН ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР ёхуд ёшларини қўллаган юрт истиқболи баланд бўлмай



деб эълон қилинди. Шундай экан, бугунги кунда июн ойи ёшлар ойлиги сифатида жуда кўп ташаббуслар билан ёшларга кенг имконият яратиб бермоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги қарори асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ёшлар билан ишлашнинг янги вертикал тизими яратилди. Натижада, ёшлар мурожатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилишига эришилди. Етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилди. Етакчилар томонидан 14-30 ёшдаги 472 573 минг нафар “Ёшлар баланси” шакллантирилди.

Ёшларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» тамойили асосида шахдам одимлаётган, яратувчанлик руҳи билан яшаётган бир пайтда «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Чунки одатда маҳалла идорасида ишлайдиган ходимларнинг аксарияти катта ёшли бўлганликлари боис

моларини ҳал этишга қаратилган мутлақо янги тизим – “Ёшлар дафтари” жорий этилди. Тизимни рақамлаштириш, ёшларга бериляётган имтиёзлар шаффофлигини таъминлаш, жойларда амалга ошириляётган ишларни 3 босқичда мониторинг қилиб бориш имконини берувчи “yoshlardaftari.uz” электрон платформаси ишга туширилди.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ва вилоятда молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида “Ёшлар дафтари” жамғармалари ташкил этилди ҳамда уларда 178,1 млрд. сўм миқдорда маблағлар шакллантирилди. 2021-2022 йилларда “Ёшлар дафтари”га 41 минг 161 нафар ёшлар киритилиб, 37 минг 251 нафар (90,5 фоиз) ёшларга 67,2 млрд. сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқларда 25 880 минг нафар ёшларга 7 401,9 минг гектар ер майдонларини ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашнинг янги механизми яратилди.

Сўнгги 6 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, улар сони 5 мингдан ошди.

2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди. “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида 153,7 мингдан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди. “Ёш китобхон”, “Китобхон оила” каби республика танловлари ташкил этилиб, 2018-2022 йиллар давомида танлов иштирокчилари сони 89 минг нафарга етди.

тадбирлардан илҳомланиб, ўз иқтидорини намоён этаётган ёшлар муносиб тақдирланмоқда.

Сўнгги 6 йилда юртимиз равнақида муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли ва фидойи ёшларнинг 31 нафари давлат мукофотларига сазовор бўлди. Жумладан, 10 нафар ёшлар “Мард ўғлон” давлат мукофоти, 12 нафар ёшлар “Зулфия” номидаги давлат мукофоти, 4 нафар ёшлар “Шухрат” медали, 4 нафар ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ҳамда 1 нафар “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

2020 йили Ўзбекистон Республикаси Сенати қошида 6 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 15 нафар фаол ва ташаббускор ёшларни бирлаштирган Ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларнинг илмий-инновацион фаолияти, хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш мақсадида “Ибрат тиллар оромгоҳи” ва “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳаларида 1500 нафардан ортиқ иқтидорли ёшлар камраб олинди.

Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишларини рағбатлантириш мақсадида халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган 1 344 нафар ёшларга 2,26 млрд. сўм миқдордаги имтиҳон харажатлари коплаб берилди.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ИШОНЧИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ, ЭРТАМИЗ!

Ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишиш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида Жомбой туманида 2022 йили самарали ишлар олиб борилди. Дейлик, ҳар ойда сектор раҳбарлари билан 16 та маҳаллада йил давомида 200 га яқин учрашувлар ташкил этилди. Ушбу учрашувларда 4 мингга яқин ёшларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Жомбой туманида 14-30 ёшлилар баланси шакллантирилган. Уларнинг сони бугунги кунда 48 772 нафарга етди. Шундан, 23 957 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Ногиронлиги бўлган ёшлар 630 нафар бўлиб, улар учун манзилли ёрдамлар кўрсатиляпти.

Давлат секторида 4 294 нафар, хусусий секторда 3 574 нафар ёшлар доимий иш билан банд бўлишган. 120 нафари муддатли ҳарбий хизматни ўтамоқда. 1749 нафари хорижий давлатларда, 9 нафари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб турибди.

Ёшларга замонавий касбларни ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари ва хорижий тилларга ўқитиш мақсадида хусусий ўқув курслари очилляпти. “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида хорижий тиллар ўқитилган 5 та ўқув маркази ҳамда 1 та ИТ марказ рўйхатдан ўтказилган. Бугунги кунда ушбу ўқув марказларида 32 нафари хорижий тиллар, 10 нафари ИТ соҳасида таҳсил олмоқда.

Маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъдод ва қобилиятини номоён қилишларига кўмаклашиш мақсадида йилда икки маротаба беш босқичли маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика даражасидаги “Беш ташаббус олимпиадаси” ташкил қилиш белгиланган эди. Ушбу олимпиаданинг 2-мавсуми доирасида стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол, енгил атлетика, стритбол, миллий кураш, стрет воркуот спорт турлари ҳамда “Ёш китобхон”, киберспорт, халқ ва замонавий чолғу асбоблари танлови, ёшлар рақс фестивали “Қувноқлар ва зукколар” танлови, Заковат интеллектуал ўйини ўқазиб келинади.

“Бир нуроний ўн нафар ёшга маъ-

навий ҳомий” тамойили асосида нуронийларга бириктирилган ёшлар билан доимий иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, “Ёшлар портали” электрон платформаси орқали келиб тушган мурожаатларни ўрганиб, моддий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларига амалий ёрдам кўрсатиб келиняпти. “Ёшлар дафтари” электрон платформасига 2022-йил давомида 2532 нафар ёш киритилиб, йил якунига қадар 2404 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи кўнгилли ёшлар учун корхоналарга “Бизнес саёҳат” уюштириляпти. Ёшлар етакчилари маҳалладаги бешлик билан ҳамкорликда ишсиз ёшларни мунтазам равишда иш билан таништириш мақсадида зарур чоралар кўришади. Юқори натижаларга эришган соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда улар учун бепул ўқув машғулотлар режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда тажрибали тадбиркорлар билан 50 дан ортиқ тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларга 1450 нафар ёшлар қамраб олинди.

Ёшлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини туман марказида ҳар ойда бир маротаба “Ёш тадбиркор-халққа мададкор” шиори остида кўргазмали савдо ярмаркасида намойиш этиб боришади. Дехқонobod маҳалласидаги “SOF EXPO” савдо марказида ана шундай йирик лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди.

Мақом, бахшичилик, опера ва эстрада бўйича “Ёшлар овози” кўрик-танловининг ташкил этилгани ёш истеъдод эгаларини яна руҳлантирди. Танловнинг республика босқичида 10-15 ёш тоифасида Бахшичилик йўналиши бўйи-

ча “Улус” маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Шавкатов фаол иштирок этди. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичида қатнашган ёшларимиз 5 та йўналишида ғолиб бўлиб, вилоят босқичига йўлланма олишди.



кил этилиб, ғолиблар туман бўлими томонидан эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланишди.

Шунингдек, “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” юриш марафони 15 маротаба ташкил этилди. Унга 5000 нафар ёшлар қамраб олинди. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни асраб авайлашга мақсадида Қорамўйин маҳалласида “Ёш эколог” акциялари ташкил этилди.

Маҳаллаларда маънавият ва китобхонлиқни тарғиб қилиш борасида ҳар жума куни “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказиш йўлга қўйилган.

Ёшларда нотиклик маданиятини ошириш, кенг дунёқарашни ривожлантириш ҳамда баҳс-муно-



заралар олиб бориш кўникмасини шакллантириш мақсадида туман Ахборот-кутубхона марказида “Мунозара” ва истироҳат боғида “Заковат” турнирлари ташкил этилди. Истеъдодли рассомлар ўртасида “Ёш мусаввирлар” танлови бўлиб ўтди.

Тумандаги 20 нафар волонтерлар билан биргаликда 10-ногиронлиги бор болалар мактаби тарбияланувчилари ҳолидан хабар олинляпти. Ажрим ёқасидаги ёш оилалар билан ишлаш, уларга тегишли тартибда психологик ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар бўлими билан ҳамкорликда давра суҳбатлари уюштирилди. Зарафшон, Наймантепа, Сарқипчоқ, ва Тошкент маҳалласи-



даги ажрим ёқасида турган оилалар яраштирилди.

Пахта ва ғалладан бўшаган майдонларда озик-овқат экинлари етиштириш учун ёшларга 10 йил муддатга ижарага бериш тизими жорий этилган. Шу йўл билан ёшларни доимий иш билан таъминлаш учун туманимизда 130 гектар ер 718 нафар ёшларга ажратиб берилди.

Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган та-



лабалар учун ўқиш муддати тугагандан сўнг 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари бериш тартиби ишлаб чиқилган. Қолаверса, “Ёшлар дафтари” жамғармаси орқали тумандаги 213 нафар талаба ёшга 641 миллион сўмлик ана шундай контракт пуллари тўлаб берилди.

Таълим муассасалари битирувчиларидан 93 нафари доимий иш ўринларига эга бўлишди. 150 нафари субсидия орқали 470 миллион сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат куроллари олиб, бандлиги таъминланди.

“Ёшлар дафтари”га кирган ва янги турмуш кураётган ёшларга ўз хонадонидан қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тизими йўлга қўйилгани ҳам улар учун катта имкониятдир. Бироқ ушбу йўналиш бўйича ҳозиргача туманимиздан ариза тушмаган.

Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда 25 нафар ёшлар касб-хунарга ўқитилиб, сертификат билан касбга йўналтирилди.

Бугунги кунда туманимизда 3 та маданият маркази, 2 та болалар му-

сиқа ва санъат мактаблари фаолият олиб бормоқда.

Маданият бўлимининг ўзагини ташкил этган 1-сон маданият марказида 12 нафар ижодий ходим фаолият юритади. Улар томонидан 5 та тўгарак ташкил этилган. Жумладан, ашула, рубоб, вокал, ғижжак ҳамда миллий мақом йўналишида 40 нафардан ортиқ ёшлар тарбияланмоқда.

Қанғли маҳалласида жойлашган 2-сон маданият маркази янги ташкил этилган муассасалардан бири. 2014 йилда капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган марказда 10 нафар ходим фаолият олиб боради. Фортепиано, аккордеон, доира, рақс ҳамда вокал тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Қанғли, Хитойпоён, Талдираззоқ маҳаллаларида яшовчи 60 нафарга яқин ёшлар ушбу тўгаракларда мусиқа илмини ўрганишмоқда.

3-сон маданият маркази кўкгумбазлик ёшларни жамлаган. Марказда 12 нафар соҳа мутахассислари 55 нафар йигит-қизларга касб сирларидан сабоқ беришмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент маҳалласидаги 10-сонли, Деҳқонобод маҳалласидаги 19-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда қўл келмоқда.

2011 йилда бунёд этилган 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида 63 нафар ходим фаолият юритади. 244 нафар ёш истеъдод эгалари 12 та йўналиш бўйича таълим олишмоқда.

19-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби эса 2020 йилда фойдаланишга топширилган. Фортепиано,

Соҳадаги узок йиллик самарали хизматлари учун устоз санъаткор Эшқул Турсунқулов “Шухрат” медали билан тақдирланган.

“Зулфия” номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлган уч нафар жомбойлик қизларнинг ютуқлари ҳам барчамизни қувонтиради.

Рушана Саидова 2008 йилда маданият йўналиши бўйича мазкур мукофот билан тақдирланган. Спортда эришган ютуқлари учун дурдона олимова 2014 йилда “Зулфия” номидаги давлат мукофотиغا муносиб кўрилган эди. Мафтуна Саматбоева 2022 йилда мукофот соҳибасига айланди. Айни вақтда у олий математикадаги чизикли алгебра ва дифференциал тенгламалар фанидан видео дарслар яратмоқда.

Туманимизда 303 та спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, 3 та йирик, 17 та сунъий копламали ўйингоҳ ёшлар ихтиёрида. Бундан ташқари, 56 та мактабда ўқув машғулоти майдонлари, 42 та спорт заллари ишлаб турибди. 28 хил йўналиш бўйича 317 та тўгарак 30 минг 333 нафар ёшларни қамраб олган.

Яқин вақт ичида 32,2 километр селоматлик, 35,6 километр велосипед йўлакчаси барпо этилди. Худудларда 10 та воркаут, 10 та стритбол, 10 та бадминтон, 20 та мини-футбол майдонлари қурилиши белгиланди. Бугунги кунгача 126 нафар жомбойлик ёшлар Ўзбекистон чемпиони даражасини олган. Шунингдек, 2 нафар жаҳон, 3 нафар Осиё чемпионлари туманимиздан етишиб чиққан.

Таълим муассасаларида ҳам жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган манзилли амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Профилактика инспектори, маҳалла етакчиси, таълим муассасаларидаги маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг масъулиятини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ёшларимиз ўзлари учун яратилаётган шундай имкониятлардан фойдаланса, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз. Бундан албатта, жамият ҳам манфаатдор бўлади.




ЖЎЖАНИ КУЗДА, МЕДАЛНИ ОЛИМПИАДАДА САНАЙДИЛАР!



Спортчиларнинг халқимизга берадиган энг муҳим маҳсулоти – олимпиада медалли. Чунки дунё миқёсида давлатнинг спорт соҳасидаги салоҳияти вакилларининг олимпиадада қўлга киритган медаллари сони ва салмоғига қараб белгиланади.

Шу боис давлат спортни ривожлантириш ва олимпиячиларни тайёрлаш учун маблағини аямайди. Юртимизда ҳам спортчиларга керакли шароитлар яратиб берилляпти. Яъни, спортчилар давлат маблағига қурилган спорт иншоотларида давлатдан маош олаётган мураббийлар қўл остида шуғулланишлари, халқаро нуфузли мусобақаларда, Осиё ва жаҳон чемпионатларида маҳоратларини ошириб, олимпиадада медаль олишлари учун барча шароитлар яратилган. Фақат спортчиларнинг тўрт йилда бир марта бўладиган олимпиадада медаль олишлари қолган, холос.



Афсуски, спорт аҳлимиз ўзларининг масъулиятли вазифасини тўлақонли ҳис қилишяпти, спортчиларимиз олимпиада медалларига сазовор бўлиш учун бор куч-иродаларини сафарбар этишяпти дея олмаймиз. Бунинг учун икки йил олдин бўлган Токио олимпиадасини эслашимиз кифоя, вакилларимиз бу олимпиадада 3 та олтин ва 2 та бронза медалига сазовор бўлишди (медалларимизни санаш учун битта қўлдаги бармоқлар кифоя), Ўзбекистонимиз умумжамоа ҳисобида дунё миқёсида 32-ўринни эгаллади. Албатта, бу натижа Ўзбекистонимиз шаънига ярашмайди.

Холбуки, олимпиада ораллиғидаги даврда спортчиларнинг пухта ҳозирлик кўраётганини, натижалари яхшиланиб бораётганини эшитдик, мусобақаларда олган медаллари билан мактагинини, Токио олимпиадасида медаллар шодасини тақдим этамиз деган ваъдаларини тингладик, хуллас, офаринбозлик, дабдабозликларни кўрдик. Оқибатда эса, айрим федерациялар олимпиадага йўлланма ололмади, ёки олимпиадага борган кўплаб спортчилари медалсиз қайтиб келди. Шундай экан спорт федерациялари фаолиятини вакилларининг олимпиадада қўлга киритган медаллари сонига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Негаки, медални гапирмай туралик, олимпиадага ўз вакилларини юбора олмаётган, бу ҳақда ўйламаётган спорт федерацияларимиз ҳам бор. Спортчиларнинг халққа берадиган маҳсулоти эса олимпиада медалли.

Халқимиз бежиз айтмайди: “Жўжани кузда санайдилар”. Ҳақ гап, спорт аҳлимиз ҳам медални олимпиадада санаш кераклигини кулоқларига қуйиб олсинлар. Ҳозир эса спорт аҳлимиз медални олимпиадада эмас, тайёргарлик давридаги ҳар хил мусобақаларда қўлга киритилган медалларни санашяпти. Ахир, ҳали-бери олимпиадага бора олмайдиган спорт федерациялари вакиллари ҳам қандайдир мусобақада медаль олади-да. Шунга ноғора чалиш шартми? Тўғри, улар ноғора чалиш билан ишлаётганини кўрсатмоқчи бўлишяптандир, лекин бундан халқимизга не наф?

Бир неча йил илгари битта спорт федерацияси президентининг халқаро аэропортда ташкил қилган тадбири ёдимга тушди. Карнай-сурнай авжида,

кўксига осилган медаллардан бўйни эгилган болаларга гулдасталар берилляпти, зарбоф тўнлар кийдириляпти. Федерация президенти билдимки, “халқаро” мусобақага борган катнашчилар сонидан улар олган медаллар сони бир неча баробар кўп. Ундан сўрадим: “Мусобақада нечта давлатдан спортчилар катнашди?” “Ўттиз икки жамоа иштирок этди”, – дея гапни чалғитишга ҳаракат қилди. Саволимни қатъий такрорлагандим, мени билгани учун пичирлаб икром бўлди. Маълум бўлишича, хориждаги битта шаҳарга яқин кишлоқдаги спорт клубининг очик биринчилиги ўтказилган ва унга ўша атрофдаги кишлоқлардан 31 жамоа тўпланган, ўттиз иккинчиси бизнинг терма жамоа бўлган. Спорт клубларининг бундай очик биринчиликлари ҳар куни дунёнинг юзлаб жойларида ўтказилади ва уларнинг аксариятини ўз мамлакатларида ҳам билишмайди. Афсуски, ўша тадбирдан кейин оммавий ахборот воситалари спортчиларимизнинг Ўзбекистонни дунёга танитгани, Ватанимиз шухратини оширгани тўғрисида жар солишди. Спортчиларимиздан баъзилари келгусида олимпиада медалларини жонажон юртимизга олиб келишга ваъда беришди. Холбуки, бу спорт тури хали олимпиада дастурига киритилмаганди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Токио олимпиадасида иштирок этган спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқларида долзарб масалага гўхталган эдилар: “Шу ўринда Олимпия ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларли натижага эриша олмаганимизни очик тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий ўйлантириши зарур”. Ҳозирги кунгача жамоавий спорт турларида айнан шу маррага футбол олимпия терма жамоамиз яқинлашяпти. Бироқ, ҳамон футболчиларимизни олимпиада майдонларида кўриш орзулигича қолаяпти. Нега ёш футболчиларимизнинг маҳоратлари тўла очилмай йўқолиб кетишяпти? Улар Осиё ва жаҳон биринчиликларида чиройли ўйинлари билан қалбларимизда умид уйғотишгандику!

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов куюниб ёзгандилар: “...мақтаб-мақтаб ўлдирамиз”. Кичик муваффақиятга эришган ёш футболчиларимизни осмонга чиқариб мактамаяпмизми, жамоани тайёрлаган мураббийга “У Гвардиола, Анчелотти, Моуринога маҳорат дарслари ўтиши керак” деган гапдан бошқа барча мактов сўзларини айтмаяпмизми? Албатта, уларга зарбоф тўн кийдирамиз, мукофотлар берамиз. Жўжани кузда, медални олимпиадада санайдилар, деган пурмаъно нақлни эса умуман эсга олмаймиз.

Англиялик энгил атлетикачи Себастьян Коу ўрта масофаларга югуришда Олимпия чемпиони бўлганди, жаҳон рекордларини янгилаганди (Ҳозир у жаҳон спорти раҳбарларидан бири). Фаолияти гуллаган даврида Италия клуби билан шартнома имзолайди ва натижалари пасая бошлади. Ўшанда у ибратли нақлни айтган: “Чўнтакдаги пул билан югуриш оғир экан”. Ҳа, пулмулк тажрибали спортчи ҳам халақит берган, мусобақалар вақтида ортиқча юк бўлган. Шу ўринда “Пахтакор” футбол клубининг собик хорижлик мураббийи Шота Арвеладзенинг “Ёш фут-

болчилардан келажакда ким бўласан деб сўрасам, машина оламан дея жавоб қайтаришади” деган гапларини эслашимиз керак. Албатта, олимпиадада ҳалол курашиб, юртимиз шарафини улуғлаган спортчиларга мукофот тариқасида машиналар берилаётгани яхши. Лекин Арвеладзе билан суҳбатлашган ёш футболчиларга машина берсангиз, улардан келажакда яшил майдонларда жонини бериб юртимиз шарафини химоя қилишларини кутманг.

Аргентинада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигидан вақтли қайтиб келган терма жамомиз аъзолари кутиб олинди ва мутасаддиларимиз “Ўз ишингизга бундан кейин профессионалларча ёндошинглар, бутун куч-иктидорингизни сафарбар этиб, юртимиз олимпия ва миллий терма жамоалари таркибидан ўрин олишга ҳаракат қилинглар” каби ҳикматли гаплар айтишди. Агар бу гаплар Тошкентда яқунланган Осиё биринчилигидан кейин айтилганда янада яхшироқ бўларди. Бу сўзларга қўшимча равишда “Сизларнинг келажакингиз олдинда, айримларингиз олимпия терма жамоамиз сафида Париж олимпиадасидан медаллар билан қайтишингизга ишонамиз” дейилганда уларга қанот бағишларди.

Яқинда Мадриднинг “Реал” клуби 100+20 миллион евро тўлаш шартли билан Дортмунднинг “Боруссия” клубининг 19 ёшли ярим химоячиси Жуд Беллингемни ўз сафига қўшиб олди. У бизнинг 20 ёшгача бўлган терма жамоамиз аъзоларига тенгдош. Биз эса ҳамон футболчиларимизни ёш деб ўйлаймиз, олдиларига катта талабларни қўймаймиз. Олдига катта мақсадларни қўймангиз, муваффақиятларга эришмайди. Агар футболчилар, спортчилар олдиларига катта мақсадни қўйишмаган бўлса, биз уларга эслатиб турайлик: “Жўжани кузда, медални олимпиадада санайдилар. Кучли эканлигини олимпиадада исботланглар”.

Президентимиз спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқларида 2024 йилда ўтказиладиган олимпиадада эришилиши лозим бўлган маррани белгилаб бердилар: “Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги олимпиадага 100 дан ортиқ лицензияни қўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат каторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор”. Агар Токио олимпиадасида 15-ўринни эгаллаган Венгрия терма жамоаси 6 та олтин, 7 та кумуш, 7 та бронза медалига сазовор бўлганини ҳисобга олсак, Парижда борадиган вакилларимиз 20 тадан кўпроқ медални қўлга киритишлари, улардан камида 7 таси олтин медаль бўлиши керак.

Токио олимпиадасидан бронза медалли билан қайтган эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмоновнинг айтган қуйидаги сўзлари ҳамон қулоғимда: “Беш йил яратиб берилган шароитлардан фойдаланиб натижа кўрсатмасак, уят бўларди”. Уят нималигини биладиган шундай спортчимиз борлигига шукур. Имоним комил, Бекзодга ўхшаш ориятли спортчиларимиз сафи кенгайди ва улар Париж олимпиадасидан бошлаб юртимизга қўша-қўша медалларни тақдим қилишади.

Маълумки, Париж олимпиадаси эса 2024 йил 26 июль куни бошланади. Ҳа, жуда оз фурсат қолди, ҳар дам ганимат! Бизнинг спорт федерацияларимизга тилагимиз ҳамisha эзгу: “Сизга Париж олимпиадасида олган медалларингизни санаш насиб этсин”.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



“ХАЛҚИНГГА МУНОСИБ МАРД ЕЛКАДОШ БЎЛ”



Албатта, бу сўзлар бежизга келтирилмади. Булар ҳозирда бутун дунёга тобора янгича ном билан танилиб бораётган Янги Ўзбекистон ёшлари учун яратиб берилаётган имкониятлардан чин маънода самарали фойдаланиш кераклигини англаган ёшларимизга тегишлидир. Чунки ҳар бир фарзандни келажакда баркамол авлод бўлиб етишишини хоҳламаган ота-она бўлмаса керак.

Шу билан бирга ўз шогирдининг ютуқларини кўриб қувонмаган устоз ҳам бўлмаса керак. Ҳаётдаги орзуларимдан бири – ота-онамни юзларини ёруғ қилиш йўлидаги – талаба бўлиш эди. 2018-йилда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг “Муқобил энергия манбалари” таълим йўналишига давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилганимдан сўнг, ўз олдимга улкан марралар қўйишни бошладим.

Ҳозирги кунда мен таҳсил олаётган институтнинг жонқуяр ўқитувчиларининг кўрсатмалари ва мотивациялари натижасида 2-курсни тамомлаб, Беруний номидаги Давлат стипендианти бўлдим. Менга бу янада олға қадам ташлашга томон ундади. 3-курсда ҳам бир қатор стартап танловларда ва илмий-амалий анжуманларда ва конференцияларда иштирок этиб, улардан фахрли ва муносиб ўринларни эгалладим. “Йил талабаси – 2021” кўрик танловида “Йилнинг энг фаол ихтирочи-инноватор талабаси” номинацияси бўйича институт босқичида фахрли 1-ўринни эгалладим. Кўшимча равишда инглиз тили билимини пухта ўзлаштиришга бўлган қизиқишим сабабли, курсларга қатнадим 4-курсга келиб, Халқаро ИЕЛТС (Банд ссоре: 6) сертификатини олдим.

Энг қувонарли ва фахрлиси шуки, Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизнинг иқтидорли ёшларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Мард ўғлон” Давлат мукофотининг 2022-йилги танловида “Фан” йўналиши бўйича иштирок этиб, ушбу мукофот билан тақдирландим.

Зеро, буюк файласуф Жалолiddин



Румий айтганидек: “Яратган уч хил усулда жавоб қайтаради. “Хўп” деб истаганингизни беради. “Йўқ” дейди ва ундан яхшироғини беради. “Сабр қил” дея энг ажойибини беради”. Бу жумлани эсга олишимдан мақсад шуки, оддийгина талаба бўлиб, ота-онамнинг бошларини тик тутиб юришларини ва мени ортимдан “Раҳмат” эшитишларини ич-ичимдан яхши ният қилиб, астойдил ҳаракат қилдим.

Доимо бир нарсани ишонч билан айта оламанки, инсон ич ичидан нимаики хоҳласа ва унга томон интилса албатта мақсадига эришади. Бу ютуқларни фақатгина мен ўзим олладим. Ушбу мукофотлар мен учун қўлларини дуога очган ота-онам, илм олиш йўлидаги қийинчиликлардан кўрқмасликка ундаган устозларим, жумладан, илмий раҳбарим, техника фанлари доктори, профессор Ғулом Норбоевич Узоқов, Хайрулла Давлонов ва катта ўқитувчи Бобир Тошмаматов ҳамда кафедрамиз жамоамизга ҳам тегишлидир.

Айни вақтда, ушбу мутахассислик бўйича магистратурада ҳам давлат гранти асосида таҳсил олаётман. Келажакда орзуларим жуда кўп ва уларнинг барчаси Янги Ўзбекистонимиз равнақига қаратилган. Мен бу орзу-мақсадларимга албатта эриша оламан, чунки юртимиздаги ҳар бир ёш қўллаб-қувватланмоқда ва барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Анвар РАҲМАТОВ,
“Мард ўғлон” Давлат мукофоти ва
Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиби
Қашқадарё вилояти



КУТИЛГАН ҒАЛАБА

Ўзбекистон терма жамоасининг 44-Жаҳон шахмат олимпиадасида чемпион бўлиши мен учун кутилмаган ҳодиса бўлмади.

2014-йил баҳорида Тошкентда ўтказилган Георгий Аъзамов хотира турнирида ҳали 10 ёшга ҳам тўлмаган Нодирбек Абдусатторов (ўша пайти рейтинги 2057 балл эди) халқаро гроссмейстерлар Андрей Жигалко (2600) ва Рустам Хуснитдинов (2495)ни, 12 яшар Шамсиддин Воҳидов (2063) халқаро гроссмейстер Роберт Оганесян (2613)ни мағлуб этиб, ўзига хос шов-шув кўтарганида таниқли гроссмейстер, 1992-йилги Жаҳон шахмат олимпиадаси кумуш медал соҳиби Саидали Йўлдошев миллий терма жамоани ўша пайти 19 ёш бўлган Жаҳонгир Воҳидов йетакчилигида Нодирбек, Шамсиддин сингари ярқ этиб чиққан ёшлардан тузиш кераклигини айтган эди. Шунда яна 4-5 йилда халқаро мусобақаларда ютуқлар ўз-ўзидан кела бошлашини таъкидлаганди. Ҳали 2014-йилдаёқ!

Улар сафига кейинчалик Нодирбек Ёқуббоев ва



Жавоҳир Синдоров ҳам қўшилди. Н. Абдусатторов (2017) ва Ж. Синдоров (2018) ҳатто жаҳоннинг энг ёш гроссмейстерлари рўйхатидан ўрин олди.

Нодирбек Абдусатторов 2012-йили 8 ёшгача болалар ўртасида, Шамсиддин Воҳидов 2015-йили 14 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.

Нодирбек Ёқуббоев ва Жавоҳир Синдоров ҳам бир неча мартадан мактаб ўқувчилари ўртасида жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Ҳали мактаб ўқувчиси пайтидаёқ Ўзбекистон чемпионати олий лигасида 1-ўринни олишди.

Хуллас, ўзбек шахматида шу кунга қадар бир даврда булар каби кучли иқтидор соҳиблари бир вақтда йетишиб чиқмаган эди. Шахматимизнинг олтин авлоди бўй кўрсатаётганди. Индивидуал натижалари билан.

Ниҳоят 2018-йили Туркиянинг Кўнё шаҳрида бўлиб ўтган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида

Жаҳон шахмат олимпиадасида шу тўрт ўғлон ва Сетора Сапаровадан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Саидали Йўлдошев бошчилигида Олимпиада чемпиони бўлишди.

Хорижлик экспертлар навбатдаги мусобақаларда, у хоҳ жамоавий, хоҳ индивидуал бўлсин, ўзбекистонлик шахматчилар ғолибликка асосий даъвогарлардан бўлишини тахмин қила бошлашди.

Бу тахминлар бирин-кетин рўёбга чиқа бошлади.

2021-йили Россиянинг Сочи шаҳри мезбонлик қилган Жаҳон Кубоги мусобақасида Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидов 2-босқичгача борган

ўзига хос шов-шув бўлган эди ўшанда.

Ўтган йил якунида Полша пойтахти Варшавада ўтказилган тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида эса ёшларимиз ҳаммининг диққатини ўзларига қаратишди. Жавоҳир Синдоров блиц йўналишида кучли саккизликдан жой олгани, Нодирбек Абдусатторов Магнус Карлсен, Ян Непомняший, Левон Аронян, Фабиано Каруана сингари замонавий шахматнинг супер юлдузларини мағлуб этиб, Жаҳон чемпиони бўлганидан хабарингиз бор.

Энди айтинг-чи, шундай натижалар кўрсатган, ғайрати ичига сиғмаётган бу ёшларимизни тўхтата оладиган жамоа бормиди?

Ўзбек шахматининг олтин авлоди бу буюк ғалабага ҳақли еди!

Энди олдинда яна улкан ғалабалар кутмоқда йигитларимизни. Уларнинг шижоати, истеъдоди ва Ватанга муҳаббати ҳавас қилгулик. Кўз тегмасин, илоҳим!

Хусан НИШОНОВ



бўлса, Жаҳонгир Воҳидов 3-босқичда курашни тўхтатди. Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдоров эса 4-босқичгача чиқишди. Жаҳонгир Воҳидов АҚСХлик Ленйер Доменгесни, Жавоҳир Синдоров Франция вакили Алиризо Ферузжани, Нодирбек Абдусатторов нидерландиялик Аниш Гирини мағлуб этиб, мусобақадан чиқариб юборгани



Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир мамлакатнинг асосий локомотивларидан бири – ёш авлоддир. Қайсики, юртнинг ёшлари кучли ва салоҳиятли бўлса, ўша ғўшада ободлик ва фаровонликкўзга ташланажак. Ёшлар катта куч —бу кучдан тўғри фойдалана билиш керак.

ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ

Юртимизда ҳам ёшлар тақдирига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Кўряпмизки, қайсидир ёш ўз тадбиркорлигини бошламоқда, яна қайсидир илм қилмоқда, бирови эса спортда, кимдир хунармандликда, яна қай бири ижодкорлик қобилиятини намоён этиб, юрт қорига ярамоқда. Биз бундан қувонишимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида, ёшлар масалаларини, муаммоларини тизимли ҳал қилиш ҳақида бот-бот такрорлапти. Бу қувонарли ҳол. Лекин, ҳалиям эскича фикрлайдиганлар, Президент ғояларини тўғри тушунмай, янгича қарашларни қабул қилолмайдиганларнинг борлиги юрт ривожига болта уряпти. Буни қоғозга ўраб ҳам бўлмайди, яшириб ҳам. Ҳаммамиз очикча биламиз.

Коррупция, маҳаллийчилик, ва яна алламбало “чиликлар” борлиги афсуски, кечириб бўлмайдиган камчиликдир. Бу нарса кўп – “олтинбош”ларнинг тизимдан ранжишига ва адолат қоғозда эмас, амалда бор мамлакатлардан бахтини излашига сабаб бўлмоқда. “Олтинбош”ларни асраб қололмас эканмиз, бот-бот ва такрор-такрор ютқазаверамиз. Иқтидорлиларни қўллаш керак, иқтидорсизлар эса йўлини топиб кетаверди, деган маънодаги гап ўз тасдиғини кўп бор исботламоқда. Ана шу “чиликлар” ва коррупция мамлакатни кўп қийнаб қўймоқда. Бундан ёшлар ҳам жабр кўришмоқда.

Ишсизлик ёшларнинг энг асосий муаммоларидан биридир. Ишим тайёр деб таҳсил олаётган толиби илми учратиш қийин. Агар катта ва казо-казоларлан таниши бўлмаса. Иш бўлгани билан уларнинг кўнглидагидек эмас, ойлиги ва шароитлари тўғри келмайди. Ёшлар ҳам, ишлашмайди-да, ойлик кам деб.

Катта ҳаётга илк қадам мактабдан ташланади. Ривожланмоқ учун мактабнинг ўрни бениҳоя муҳимдир. Мактаблардаги таълим сифатига жиддий эътибор беришимиз керак. Афсуски, кўп мактаблар бу жиҳати билан мактанолмайди. Ўқитувчилар асаби чарчаган. Ойликлар кам. Мактаб ўқитувчисининг маошини кўтаришимиз керак ва талаб-

ниям шунга яраша қилишимиз керак. Зеро, мактаб ўқитувчисининг хаёли фақат ривожланишда ва дарсни интерактив усулда ўтишда бўлсин.

Чекка қишлоқ мактабларининг – деярли кўп ҳудудлардаги мактабларнинг катта қисми моддий-техникавий база билан тўлиқ таъминланмаган. Қанчалик қийин бўлмасин, шу жиҳатга эътибор бериб, бартараф этмоқ лозим. Энг сўнгги компьютер жиҳозлари билан таъминлаб, ўқувчиларнинг техник билимини оширишига имкон яратиш керак. Мактабдан камида иккита дастурлаш тили ва битта хорижий тилни пухта ўрганиб чиқадиغان тизим яратиш вақти келди. Мен хусусий ва пул тўлаб ўқиладиганларни эмас, оддий қишлоқ мактабларини назарда тутяпман. Оғир – лекин ислохотни биринчи мактабдан бошлаш керак. Шундагина ривожланиш юқори чўққига чиқади.

Ҳеч бўлмаса, юртимиздаги ҳамма мактабни мунтазам чироқ билан ва қишда иситиш тизими билан таъминлаш ҳақида ҳам ўйлайдиган пайт келди. Қишлоқ болалари ҳам дарсни ёруғ хоналарда қалин шапка ва кийимларсиз ўтишин. Қачонгача, қишлоқ болалари қаҳратон қишнинг совуғида дилдираб дарс ўтишади. Бу ҳолатда миёга билим қирадимми? Биз болалар тақдирига жиддий қарашимиз керак. Қўлдан келган барча имкониятни яратиб беришимиз керак. Эрта бир кун юртнинг асосий кучи шу қора кўзлар бўлишади...

Шавкат Мирзиёевнинг энг катта ислохотларидан бир қайси, дейишса энг аввало – Олий таълим ислохотини биринчилардан айтган бўлардим. Ҳозир билим ва интилиш билан талаба бўлинмоқда. Буни мамнуният билан айта олам. Президентимиз ана шу ерда жуда катта ирода кўрсатди. Хусусий таълимга имконият берилгани ҳам қувонарли, ракобатбардошликни оширади. Жуда кўплаб хусусий таълим даргоҳлари очилаётгани олқишга сазовор. Нима бўлганда ҳам олий маълумотлиларни кўпайтиради. Лекин пойтахтда ва вилоят марказларида талабалар ётоқхонада яшаш жойи етмагани сабабли, ижара-ларда юриши, одамни хафа қилади. Шу-

нийам бир ёқли қилиш керак. Эҳтимол, хусусий секторга қандайдир имтиёзлар бериб, талабалар сонидан келиб чиқиб, талабалар яшаш даҳаси қуриш даври аллақачон келди, деб ўйлайман. Чунки, у ерда муҳит бошқача бўлади. Ҳамма ўз устида ишлайди. Ҳозир, ижарада сарсон талабадан буни кутиш амримаҳол...

Биз бир нарсага хурсанд бўлишимиз керакки, Ёшлар ишлари агентлигига дунё кўрган ва замонавий фикрлайдиган Алишер Саъдуллаев бошчилик қилаётганидир. Мен Алишер акани, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини кўп кузатаман. Ҳали қарасанг юртнинг у ғўшасида, яна қарасанг, чекка қишлоқларимиздан бирида ёшлар билан учрашаётган, уларнинг муаммоларини ҳал қилаётган бўлади. Давлатимиз раҳбари бу йигитга бекорга ишонч билдирмаган экан, деган хулосага келади одам.

Ҳозирда Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси ишга тушгани, кўплаб тил ўрганмоқчи бўлган ёшларнинг оғирини энгил қилмоқда. Дарслар содда, энг замонавий методлар асосида профессионал устозлар томонидан олиб борилапти. Шу дарслар орқали уйда ўтириб бемалол қайсидир хорижий тилни ўрганса бўлади. Бу учун ҳеч қанақа харажатнинг кераги йўқ. Фақатгина интернет трафиғи бўлса бўлди. Жуда қулай. Чекка ҳудудларда истикомат қилаётган ёшлар ҳам бу имкониятдан фойдалана олади. Энг муҳими шу. Бу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилаётгани – юрт ёшларига кўплаб имкониятлар эшигини очади.

«Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» кабиларнинг борлиги эса кўплаб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва ёшларнинг оғирини энгил қилмоқда. Жамиятда ўрин топишларига муҳим аҳамият касб этмоқда. «Беш ташаббус» олимпиадаси эса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари, ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун яхши дастак вази-фасини ўтамоқда. «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила» каби танловлар ўтказилиши юртимиз ёшлари орасида китобхон қатламнинг кўпайишига сабаб бўл-

моқда. Китоб ўқиган ёшлар эса, янгича фикрлай бошлайдилар. Дунёқарашлари ўзгаради. Бундай ёшлар – юрт истиқболлига ўз ҳиссаларини қўша оладилар деган фикрдаман.

Ҳозирда хотин-қизларга кўплаб имкониятлар эшиги очилмоқда. Маълумки, оналари ўқимишли юртнинг фарзандлари зукко бўлади. Оналар зақоси кўп нарсани ҳал қилади. Шунинг учун, қизларнинг таълимига жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Ҳозирда магистратура босқичига қабул қилинган қизлар – давлат гранти асосида таълим олаётгани қувонарли ҳол. Бу таълимга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади. Шунингдек, тўлов шартнома асосида ўқиётган хотин-қизларга бефоиз таълим кредити берилаётгани ҳам аёлларнинг таълимига бўлган қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Аёлларнинг ўқиши, кўп ижобий ҳолатларга сабаб бўлади. Хотин-қизларнинг жамиятда муҳим ўрин топиши – мамлакатнинг тараққиётига сабаб бўлади. Бу гапимга кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Биринчидан, заковатли она – зукко фарзандларнинг тарбиячисидир. Битта ақлли бола эса – бемалол ўзига қўшиб кўплаб инсонларнинг тақдирини ижобий томонга ўзгаришига сабабчи бўлиши мумкин. Энг асосийси, илмсизликдан қутулишдир. Бу оналарга кўп томонлама боғлиқ. Муҳими бу жабҳада асосий қадам ташланди. Шундан қувонишимиз керак.

Сўнгги йилларда замонавий касбларга бўлган қизиқиш ёшлар орасида омалашмоқда. «Бир миллион дастурчи» каби ва шунга ўхшаш лойиҳаларнинг ишга тушиши кўплаб ижобий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Ёшлар ўз устиларида ишлаб, кўплаб муваффақиятларга эришмоқдалар. Дастурлаш тилларини ўрганаётган ёшлар – юрт эртасининг таянчи десак бўлади. Бизнинг техника асримизда – замонавий билимларни билиш сув ва ҳаводек зарур. Бундай касбларни ўқитаётган марказларнинг кўпайиши ва уларга имконият яратиб берилиши қувонарли ҳол. Ҳар бир вилоят марказида ана шундай замонавий марказлар ва Силикон водийсига ўхшаган ҳудудлар барпо этиб, улардан унумли фойдаланиш керак. Шунга ўхшаган ҳудуд барпо этиб, дастурчиларга имконият берилса, ўша ҳудуд иқтисодиётининг ўсишига сезиларли ҳисса қўшилади.

Бизнинг асримизда замонавий ва илғор, ракобатбардош билимлар билангина муҳим ўрин топмоқ мумкин. Энди ортга йўл йўқ. Ёшларга ҳамма шароитни яратиб, кейин талаб қилмоқ керак. Ана шундагина учинчи Ренессанс пойдеворида тамал тоши қўйишимиз мумкин.

Зикрилла МАМАТОВ



“Ёшлик фасли ёзилмаган Бир достон”

Харгал Қорақалпоғистон Республикасига борганимда у ердаги ёшларни янгитдан кашф этаман. Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси сифатида “Ёшлар ойлиги” муносабати билан “Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик” шиори остида ўтаётган тадбир доирасида яна қорақалпоқ диёрида бўлдим.

Сафаримиз Мўйноқ туманидан бошланди. Мўйноқ томон кириб борар экансиз, ўнг томонда “Оқ кема” болалар оромгоҳига дуч келасиз. “Оқ кема” бизнинг назаримизда оппоқ тонгда йўлга чиққан орзулар кемасига ўхшади. Кема жуда катта хазинани олиб нурли манзиллар томон отланган. Кемада юраклари нурга тўлган келажак эгалари бор. Оромгоҳга кириб борар экансиз, беғубор болаликнинг хайратлари билан тўлган бу болалик салтанатининг кичик подшоҳлари, кенжа маликаларининг қувноқ кулгулари ширин эпкин каби қалбингиз кенгликларига сочилади. Ҳар навбатда 200 дан ортиқ болалар дам оладиган ушбу маскандаги ҳар бир хона, гулу гулзорлар, айвончалар, улкан спорт майдони, ичкарида эса яна спорт зали, ёпиқ ҳовуздаги сузишнинг мовий йўлаклари, кутубхона, қиротхона, интернет тармоғига уланган компьютер хонаси болаларнинг дидига мослаштирилган, улар учун қулай ва ўзгача дизайн кўринишида. Болаларга ёқадиган бўтқалар, ширин кулчалар, бўғирсоқлар, сомсалар, паловхонтўрадан тортиб қорақалпоқларнинг жўхори куртиги, мол, кўй, курка, товук, қуён гўштидан тайёрланадиган димламалар, турли патирулару нонлар, шарбатлар пишириладиган ошхонанинг озодлигига таъриф йўқ.

Ичкарида болалар ухляптилар, ташқарида тўрғай қушнинг сайраши эшитилади. Ғир-ғир шаббода эсиб “Оқ кема”нинг елканларини силаб ўтади. Болалар ором олаптилар, ана қай бири уйқусида куляпти. Айтишларича, боланинг тушида фаришталар эркаласа у кулар экан ва у энг бахтли инсон бўлар экан. Болалар уйғонгунча оромгоҳнинг осуда оғушида секин айланар эканмиз дуолар қилдик: Ўзбекистон тинч бўлсин! Қорақалпоқ тинч бўлсин! Тинчликдан азиз неъмат йўқ. Орол

бўйида “Оқ кема”нинг кичик капитанлари бироз дам олишиб қувватга тўлиб турадилар. Улардан Она Ватанимизнинг, Юртбошимизнинг умид катта. Бу тинчликка осон эришилгани йўқ. Бебаҳо гавҳарлар ортилган “Оқ кема”га кўз олайтирганлар бор. Болаларимизнинг ғанимлар, фалокатлардан ўзинг асра, Аллоҳим!

Пешин уйқусидан турган болажонлар билан бир ярим соатдан кўпроқ “Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик” шиори остидаги тадбиримизда қорақалпоқ тилида кўшиқлар айтдик, ўзбек тилида шеърлар айтдик, инглиз тилида кизиқарли викторина ўтказдик. Немис, француз, рус, араб, тилларида савол – жавоблар қилдик.

Шундан сўнг Мўйноқдаги “Ёшлар маркази”нинг мухташам залида тантаналаримиз давом этди.

Сирдарёлик шогирдим, “Ёш китобхон” танловида биринчи ўрин олиб “Спарк” машинаси соҳиби бўлган Ёрқинжон Ҳайитбоевнинг қорақалпоқлик ёш шоир Азизбек Дабилов деган жўраси бор. Азизбек Қорақалпоғистон давлат университетининг журналистика йўналишида ўқийди. Унинг “Меҳр булоғи” деб номланган китоби чоп этилган. Бу

истеъдодли талаба Навоий номидаги стипендияни ҳам қўлга киритган, “Йил талабаси” номинацияси эгаси. Бундан ташқари Азизбек Дабилов онлайн тарзида ўтган “МДХнинг энг ёш олими” танловининг ғолиби.

Ёрқинжон билан Азизбек республикамиз ёшлари учун ўтаётган илмий анжуманларда учрашиб, дўстлашиб кетишган. Бир-бирининг шеърларини таржима қилишди. Яқинда Ёрқинжон Азизбекнинг бир шеърини ўзбекчага таржима қилди. Шеър жуда таъсирли ёзилган, таржима ҳам муваффақиятли чиққан. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов хотирасига бағишланган мана ўша шеър:

Мангулик сўз

*Қора толни мақтаб сўзлатган ўзи,
Олтиндан қимматли шеърлари, сўзи,
Бугун оқишом чоғи тушиди ёдимга,
Ёлқин нур таратган соғинчнинг кўзи.*

*“Айт сен Ажиниёз кўшиқларидан”,
Бу сатр, руҳимга нур бўлиб битди,
Юрагим ғам ютган, бағримда алам,
Шеърларин қолдириб, Ибройим кетди.*

*Кетдию, юракка кирди қайтадан,
Руҳи бораёттир мангулик сари.
Сени ардоқлайди тобад Ватан,
Кўпаяр миллатнинг Ибройимлари.*

Бу икки дўст бир-бири билан доимий ҳамкорликда. Ўзбек ва қорақалпоқнинг меҳр дарахтидаги икки навқирон новданинг бирдамлигига кўз тегмасин.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат университетининг чет тиллар факультети талабаси Гулайим Ержанбаева Президентимизнинг ёшлар учун яратаётган барча имкониятларидан бахраманд бўлаётган бахтли қорақалпоқ қизларидан. Гулдан гўзал Гулайим ниҳоятда камтарин ва тиришқоқ. Олийгоҳга имтиҳонсиз, грант асосида ўқишга кирди.

У таржимонлик соҳасида ўзини дадил синаб кўрмоқда. Ҳозирча натижалар мақтовга сазовор. Орзулари бир олам Гулайим ўқишдаги юқори натижалари, ёшлар характерининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, аъло хулқи учун Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси томонидан “Умид учқуни” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шаҳзода Каримбоева қорақалпоқнинг иқтидорли ёшларидан бири. 2021 йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлган бу қиз тенгдошлари орасида тиниб – тинчимаслиги, янгиликка ўчлиги билан ажралиб туради. “Ёш китобхон” танловининг республи-



ка босқичида хайъат аъзолари томонидан берилган саволларга бийрон-бийрон жавоб бераётган бу ойюзли қиз ҳеч ёдимдан чикмайди. Унинг равон нутқи, ширали овози ҳали ҳам ёдимда. Шаҳзода каби китобхон ёшлар қорақалпоқлик бўлажак олималарнинг янги юлдузидир. “Ёш китобхон” танловида 1-ўринни қўлга киритиб ота-онасига “Спарк” автомашинасини совға қилган қиз билан фахрланмай бўладими? Албатта бу ёшлар овулига, мактабига, ота-насига, устозларига фахру ифтихордир.

“Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик” шиори остида ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар доирасида Чимбой туманида ҳам бўлди. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан Чимбойнинг сўлим гўшаларидан бирида қорақалпоқ адабиёти асосчиси Бердақнинг рамзи макбараси қад ростлаган. Шу мажмуада Бердақнинг устози, қорақалпоқнинг суюкли шоири Кунхўжа устознинг ҳам макбараси бор. Ёшларнинг бу манзилдан қадами узилмайди. Бердақ айнан бугуннинг ёшларига қалб сўзларини сўзлаётгандек бўлди:

*Ўйигит кирмас фосиқларнинг сўзига,
Асло тушмас манманликнинг изига,
Ғайрат бериб ўлганича ўзига,
Хизматқилар мудомқондош халқучун.*

*Яхши йигитларнинг феълитор бўлмас,
Яхшиларга ёмон ишлар қор бўлмас,
Беодоблик ишлар ёдига келмас,
Шу сабабли кўнглинг тўлар халқучун.*

Қорақалпоқнинг элининг сўнамас нурларидан бири, шоир Бердақ қорақалпоқ элининг келажagini ёшларга топширар экан, қорақалпоқ шунқорларининг кенг феъллилигига, фосиқлар сўзига кирмаслигига ишонади. Шунинг учун кўнгли тўқлигини шеъларида баён этиб кетди.

Чимбой туманида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби бор. Бу муҳташам илм масканидан таралаётган маърифат нурлари қорақалпоқ ёшларининг йўлларини мангу ёритиб туради.

Ибройим Юсупов ортида қолаётган элига “Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан” деб, номланган шеърида шундай деган:



*Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,
Ёмон шоирларни уялтирмоқ бўлсанг,
Агар мен ўлганда тирилтирмоқ бўлсанг,
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.*

Қорақалпоқ кўғирчоқ театирида Ажиниёз Нурметов деган ёш режиссёр ўғлим бор. У ўзининг исмига муносиб ижод қилмоқда. Жонкуяр, тиниб-тинчимас ёш режиссёр қисқа вақт ичида театрнинг ажралмас қисмига айланди. Ажиниёз билан кўришганимизда доим Ибройим Юсуповнинг ижоди ва шеърлари ҳақида гаплашамиз. Ажиниёз ўзининг сахна асарларига ватанпарварлик руҳини сингдириш учун Ажиниёз ва Ибройим Юсуповнинг сатрларида ўринли фойдаланмоқда. Бу қорақалпоқ театр санъатига янги-ча руҳ билан кириб келган истеъодлардан биридир. Ибройим Юсупов “Мени тирилтирмоқ истасанг Ажиниёз шеърларидан айт”- деб бизга васият сатрлар қолдирган, дея тез-тез такрорлайди ёш режиссёр Нурметов. Биз унинг сахнадаги меҳнатига омадлар тилаймиз.

Қорақалпоғистон бетакрор гулшанларидан бири – Амударё туманидир. Бу донишмандлар, тадбиркорлар, бир сўз билан тумани. Амударё сохилларида менинг азиз дугоналарим, дўстларим яшайдилар. “Бизнинг Амударёдан Зулфия номидаги давлат мукофотини олган қиз қачон чиқар экан?” деб юрган амударёликларнинг бу йил армони ушалди. Тумандаги 35-сонли

умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Барно Самандарованинг ижодий ишлари танловнинг республика босқичида, адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ топилди.



“Ёшларимиз йилдан-йилга янги зафарлар қучмоқда. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамида Юртбошимиз ўз қўллари билан Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияxonимнинг тасвири туширилган медални Барно Самандарованинг кўксига тақиб қўйганини телевизор орқали кўрган қорақалпоқлик ҳар бир хонадонда катта шодиёна бўлди” - дейди Амударё тумани “Баркамол авлод” мактаби дирек-

тори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хонимжон Ражабова.

Ҳа, шундай, Тошкандан таралган қувонч тўлқинлари қорақалпоқнинг тўрт томонига қувонч шуруни тарқатди. Бугун Ибройим Юсуповнинг шеърларини қорақалпоқ ёшлари тўйларда бир-бирига гулдасталар янглиг улашмоқдалар:

*Гулман десанг, хумор боқтир кўзларни,
Тилман десанг, маржондай тиз сўзларни,
Қон – қардошдан бурма асло юзларни,
Гоҳ – гоҳида эшигини қоқиб ўт.*

*Ёшлик фасли ёзилмаган бир достон,
Дог тушмасин унга, авайла инсон,
Яшаи Яратгандан бизгадир эҳсон,
Тириклик бир марта берилар фақат.*

Қорақалпоқ ёшларининг бахту саодатини айтиб тугатиб бўлмайди, ёзиб адо этиб бўлмайди.

Уларга айтар тилагим ушбуди:

Ассалом, Ажиниёзнинг қўшиқларини айтаётганлар, дарё бўлиб, тўлиб тошмоқ сизга ярашар.

Ибройим Юсуповнинг шеърлари-

ни олтин олма каби суюкли қизларига узатаётганлар, қалбингизни муҳаббат нури тарқ этмасин.

Бердақнинг болалари, илм куёши йўлингизни абадий ёритсин.

Қорақалпоқнинг гавҳари, шонлари, бахтингиз ётмасин, бахтингиз ётмасин!

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими, шоира.



“ҶАРВАРДГА



КИРИШ НИЯТИМ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ”

ёхуд дунёнинг топ университетига тўлиқ грант ютган қиз

“Чет элда ўқишимни қўллаб-қувватлаган инсонлардан бири – дадам. Ҳеч қачон менга йўқ демаганлар. Ташқарида ҳамма мени мақтаб, осмонга кўтаришса, дадам билан ойим мени “пастга тушириб” туришади”.

Гўзалхон Ҳайдарова 2005 йилда Наманган вилояти Чортоқ туманида таваллуд топган. Дастлаб Тошкентда, кейин эса вилоятдаги ихтисослашган мактаб интернати ва Президент мактабида ўқиган. У 2023 йилнинг августидан АҚШнинг Ҷарвард университети бакалавриат босқичида муҳандислик йўналишида ўқишини давом эттиради. Гўзалхон қизиқишлари, топ университетларга қабул жараёнлари ҳақида гапириб берди.

“Президент бўламан”

Аввалига Тошкентдаги 246-мактабда ўқиганман, 6-синфда Наманганга кўчганмиз. Ўша ерда 5-ДИМИ (Давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати)да ўқишни бошлаганман, 8-синфда Президент мактабига топшириб, шу мактабга қабул қилинганман. Президент мактабига киришим ҳаётимда катта бурилиш бўлган деб ўйлайман, чунки муҳит ўзгача эди. Мактабнинг академик жиҳатдан қийинлиги ўз устимда ишлашимга мажбур қилган. Фанларни инглиз тилида ўтиш – мен учун янги дунё эди. Ота-онамдан узокда бўлиб, янги синфдошлар билан ўқиш ҳам жуда қийин бўлган.

5-ДИМИда математикага ихтисослаштирилган синфда ўқиганман. Шунда аниқ фанларга кизиқардим. Лекин қайси соҳадан боришимни билмасдим, бошида президент мактабида биология, кимё, физика, информатика фанини ҳам ўқиганман. 10-синфдан бошлаб 2 та фанни танлаш имкони берилган, ўшанда мен физика ва информатика фанларини танлагандим. Шу пайтда аэрокосмик муҳандислик соҳасида ўқишим кераклигини ич-ичимдан ҳис қилганман. Соҳаларда жуда ҳам кўп “са-

краганман”. Биринчи синфда “президент бўламан”, дердим, ундан кейин шифокор ҳам бўлмоқчи бўлганман. Президент мактабига кирганимдан сўнг анча вақтгача ким бўлишимни билмай юрдим. 9-10-синф пайтларимда аэрокосмик муҳандислик соҳасини қатъий танладим.

Президент мактабининг кўп битирувчилари “Эл-юрт умиди” фонди орқали чет элга ўқишга кетишган. Биринчи навбатда, шуларга ҳавас қилганман. Лекин Принстон университети топшириш фикри “TechGirls” халқаро дастурида иштирок этаётганимда келган. Менторим қайси соҳага ўқишимни сўраган, мен аэрокосмик муҳандислик соҳасида ўқишни хоҳлашимни айтганман. Шунда у менга Принстон университети яхши вариант эканини тавсия қилган.

“Хорижнинг яхши университетларига фақатгина SAT, IELTS билан кириш қийин”

Кўпчилик мендан IELTS, SAT ҳақида сўрашади. Лекин фақат IELTS ва SAT билан иш битмайди. Ундан ташқари, қилинадиган ишлар кўп. Ўзим 10-синфлигимда

IELTSдан 7,5 балл олганман, SAT ҳам топширганман 2 маротаба. Лекин натижа қолганлар билан солиштирганда ўта яхши бўлмагани учун ҳужжатларимни SATсиз топширганман. Яъни SATга кучли боғланиб қолмаслик керак. Тўғри, SAT билан хориж университетига кириш эҳтимоли ортади, лекин бу бутун ҳаётни битта тестга тайёрланиш учун ўтказишга арзимайди.

Хорижнинг яхши университетларига фақатгина SAT, IELTS билан кириш жуда қийин. Айтайлик, номзод IELTSдан 9 балл олган, инглиз тилини зўр билади. Лекин чет эл университетларида ҳамма инглиз тилини яхши билади, бунда улардан кандидатнинг қайсидир фазилати ажралиб турганини аниқлаш керак. Инглиз тилини IELTS топшириш учун эмас, ўрганиш учун ўқиш керак. Масалан, мен ҳам бошида инглиз тилини фақат IELTS учун ўқиганман, лекин университет учун ёзиладиган эссени кўриб, инглиз тилини билмаслигимни тушуниб етдим. IELTS билан эссенинг ўртасида жуда катта фарқ борлигини англаганман ва тилнинг ўзини ўрганиш учун ўқиганман. Яъни фақат IELTS учун ўқилса, у сертификат олишга ярайди, холос. Ҳаётда эса фойда бермайди.

Бизнинг мактабларда инглиз тилини фикрни ифода қилиш учун ўргатишмайди. Масалан, ёзма ёки гапириш орқали фикрни ифодалаб бериш мумкин. Лекин бизда шу нарсаривожланмаган.

Иқтисодиёт, гуманитар фанларни чет элда ўқиётган талабалар билан кўп гаплашганман. Улар ҳафтасига 400-500 бетли фалсафий китобларни ўқишади. Яъни бу жуда катта босим дегани. Энди Ўзбекистондан борган талабанинг у ерда қандай ҳолатга тушишини тасаввур қилсангиз ҳам бўлади. Хорижда бир ҳафтада шунча ҳажмдаги китобни ўқиб, унга

10-15 бетли тақриз ёзиб беришади, китобдаги фикрларни қайси соҳада қўллаш мумкинлиги муҳокама қилинади. Бизда ҳам инглиз тили шу даражада ўқитилишини хоҳлардим. Инглиз тилини бошқа фанлар билан қўшиб ўқитиш тизимини жорий қилсак, яхши бўлар эди.

Масалан, тарихни инглиз тилида ўқитиш жуда ҳам яхши, менимча. Чунки кўп тарихчиларнинг китоблари инглиз тилига таржима қилинган. Биздаги тарих фанининг ўқитилиши умуман ёқмайди. Чет элда тарихни фактларни ёдлаш учун эмас, ундан хулоса чиқариш учун ўқитишади. Тарих фикрлашни ўстирадиган фан бўлиши лозим. Умуман, гуманитар фанларнинг ҳаммаси фикрлашга, ўйлашга мажбур қиладиган фанлар ҳисобланади.

“Хорижга кетганга яраша дунё тан олган университетда ўқиш керак”

Ўзбекистонда ОАВда 50-100 талаб университетларга топширган ўқувчилар ҳақида ўқиб қоламиз. Мен уларнинг сонга эмас, сифатга ишлашини хоҳлардим. Чунки шунча хориж университетларига топширилса ҳам якунда биттасида ўқишади. Ҳаракатни эртароқ бошлаб, ўзини айнан бир соҳага йўналтириш керак деб ҳисоблайман. Кўпчилик 11-синфга келиб қаерга топширишни ўйлаб қолишади, аммо бу вақтда жуда ҳам кеч бўлади. 50тага топшириб, амаллаб илиниб қолиш учун эмас, бошидан энг яхши 10та-сига ҳужжат топширишни ва қабул қилинишни ўйлаш керак. Ёшлар шунчаки қайсидир университетга кириб, Америкага кетиб олишни мақсад қилган. Мен бунга ёқмайман. Хорижга кетганга яраша дунё тан олган университетда ўқиш ва дунё тан олган билимларни олиш керак.

“Бошида Ҳарвардда ўқиш ниятим йўқ эди”

Принстонга муддатидан олдин ҳужжат топширдим, декабрь ойида натижалар чиқди, университетга қабул қилиндим. Ундан кейин Ҳарвардга ҳужжат топширдим. Тўғриси, Ҳарвардда ўқиш ниятим ҳам йўқ эди. Принстон инжинеринг соҳасидаги энг яхши 2 та университетдан (иккинчиси MIT) бири саналади, шунинг учун барибир Принстонда ўқийман дердим. Дадам Принстонга кирган бўлсам ҳам, бошқа университетларга ҳам топширишимни кўп айтдилар. Лекин эриниб бошқаларига топширмагандим. Чунки Принстонда ўқишни жуда истагандим.

Бу университетга кирганимда ҳам жуда хурсанд бўлганман. Лекин унда ўқиш учун 100 фоизлик грант ололмадим. Шундан сўнг Ҳарвардга эътибор беришни бошладим, Принстондан кўнглим совигандай бўлди. Ҳарварднинг энг ёққан томони – MIT билан ҳамкорлиги бўлди. Яъни Ҳарвард талабалари MIT (Массачусетс технологиялар институти)да курсларда катнашиши мумкин экан. Бундан ташқари, Ҳарвардда гуманитар соҳаларга ҳам эътибор кучли. Ҳам гуманитар, ҳам техник соҳани бирга ўқисам, менга жуда катта фойда бўлади деб ўйладим ва Ҳарвардни танладим.



Март ойида Ҳарвард университети интервьюга чақирди. Сухбат зўр ўтди. Натижалар 30 март куни чиқди ва мен қабул қилинганлигимни билдим. Маълум хориж университетига ҳужжат топширилгач, грант ютиб олиш учун одатий ҳужжатлардан ташқари, ота-онанинг иш ҳақи, қандай моддий имкониятга эга эканлиги, қанча маблағ орттира олиши каби маълумотларни ҳам бериш керак бўлади. Мен мана шу ҳужжатларни бермагандим. Бу менга грант берилмайди дегани эди. Ҳарвардга ҳужжат топширгач, грант учун ҳам ҳужжат топшираман деган тугмасини босиб қўйгандим, лекин юқорида айтганимдек, ҳужжатларни топширмагандим. Ҳарвардга қабул қилинганимдан кейин университет менга электрон почтадан ҳалиям грант олиш ниятида эканим ёки йўқлигини сўрашди. Мен “ха” дедим. Кейин бунинг учун ҳали имкониятим борлигини, улар жўнатган алоҳида сайт орқали ҳам бу грантни олишим мумкинлигини айтишди. Яъни ҳамма муддатлар ўтганига қарамай, университет грант олишимни истади. Ҳужжат топширадиган пулли платформага бепул фойдаланиш учун код ҳам юборишди. Икки кундан кейин 100 фоизлик грант ютганим ҳақида хабар беришди. Яъни Ҳарвард ўқиш ва яшаш, транспорт харажатларининг барчасини қоплаб берадиган бўлди.

Ҳарвардга умумий муҳандислик ва физика йўналишига топширганман. Бунда барча муҳандислик турларининг умумий ўрталик соҳаси ўргатилади, квант физикасидан тортиб, атом энергиясигача бўлган дарслар ўргатилади. Биринчи 2 йил умумий муҳандислик соҳасидаги билимлар ўзлаштирилади, охириги 2 йилда айни бир йўналишга ихтисослашиш мумкин.

Чет элда ўқишимни қўллаб-қувватлаган инсонлардан бири – дадам. Ҳеч қачон менга йўқ демаганлар. Масалан, ҳозир кетишимдан олдин: чет элда ўқиб туриб, ишлама. Сен у ерга ишлагани эмас, ўқигани кетяпсан. Пулга қизиқма”, деб тайинлайдилар. Ташқарида ҳамма мени мактаб, осмонга кўтаришса, дадам билан ойим мени “пастга тушириб” туришади. Яъни олдинда эришим керак бўлган мақсадларим борлигини эслатиб туришади. Шу ишлар билан чегараланиб қолмаслигимни, хориждан қайтиб келиб ўз ватанимга ҳисса қўшим кераклигини, шундагина мактовга сазоворлигимни доимий айтиб туришади. Қачонки ўқиб келиб, ватаним учун фойдам тегсагина, ўшанда ғурурланишимга сабаб топилса керак деб ўйлайман мен ҳам.

Дилшода ШОМИРЗАЕВА
сухбатлашди.

ЮРТИМ УЧУН ЖОНИМ ФИДО



Мақсад инсоннинг доимо ҳаракатда бўлишига ундовчи куч десам. Бу “Мард ўғлон” давлати мукофотини олгандаги англаган ҳақиқатларимдан бири. Бугунги мақсадларим ҳам кечагидан кам эмас: юксалиш ва яна юксалиш.

Лицейда ўқиш давомида турли фан олимпиадалари, кўрик танловлар ва мусобақаларда иштирок этиб юрардим. Орзуларим улкан, бугунгидек баланд эди. Бирма-бир эришаётганимларим изланиш ва меҳнатнинг натижаси. “Мард ўғлон” давлат мукофотини фан йўналишидан олган бўлсамда, ўз хусусий тадбиркорлигим билан юртдошларимизни иш билан таъминлаб, фаровон ҳаётга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Тадбиркорлигим сунъий қопламали ўриндиқлар ишлаб чиқариш, темир панжара ва дарвозалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхонадан бошлаганман. Сўнгра, 2019-йилда Жиззах вилоят “Қалб нури” нодавлат-нотижорат ташкилоти билан биргаликда “Марказий Осиё Евросиё фонди” Жамоат фондининг халқаро грантлар танловида ўзимнинг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига бепул IT курслари ва хорижий тилларни ўргатишни ташкил этиш” лойиҳам билан иштирок этдим ва \$4000 миқдордаги халқаро грант голиби бўлдим.

Шунингдек, ёшларнинг илм олиши йўлида ҳам қўлдан келганча ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Жумладан, “Иттифок”, “Дўстлик”, “Ёшлик” маҳаллаларида истикомат қиладиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига инглиз тили ва IT соҳалари бўйича малакали ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда бепул қўшимча таълим тизимини йўлга қўйдик. Тўрт ойга мўлжалланган курсларимиз давомида 65 нафар ўқувчилар замонавий, сифатли ва бепул таълим олдилар. Ҳар бир ёш учун хориж олийгоҳларида таълим олиш энг катта орзулардан биридир. Албатта, хорижда ўқиб, ўз билим даражасини ошириб қайтган мутахассисга бошқача кўз билан қарашади. Бироқ бугун ўзимизнинг олий таълим муассасалари ҳам салмоқли натижаларга эришяпти. Уларда ўқиётган, ижод қиляётган, билим олишни ҳаётининг мазмунига айлантирган ёшларнинг халқаро ва миллий танловлардаги ютуқларини кўриб, ўз олийгоҳларимиз ҳам хорижникидан асло кам эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Шундай экан, Президентимиз оталарча меҳр кўрсатиб, “Сизга барчамиз ишонамиз!” деди, биз эса жавобан бу ишончни, албатта, оқлашимиз керак.

Учқун РАШИДОВ,

Жиззах шаҳридаги “Eagle Consulting Invest” масъулияти чекланган жамияти директори, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби



МИЛЛАТ РАВНАҚИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЙЎЛИДА



Ёшларни илмга қизиқтириш, уларни касб-хунарга ўргатиш масъулияти аввало ота-онанинг зиммасида бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод олган илмини миллат равнақи учун сарф қилади, ўрганган касбидан ўзи учун ҳалол, покиза ризқ топади, жамиятга, инсонларга фойдаси тегади. Бировга мухтож бўлмайди.

Ота-она ўз фарзандининг ҳар бир хатти-харакатини назорат қилиши, қайси иш фойдали, қайси зарарли эканини унга тушунтириши лозим. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этар эканмиз, фарзандларнинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз керак. Чунки ўсмир қонунларни яхши билмас экан, жиноят кўчасига кириб қолиши ҳеч гап эмас.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда жойлардаги маҳалла, мактаб, малакали ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари биргаликда ҳаракат қилиши зарур. Бунда айниқса маҳалланинг ўрни бекиёс.

Мен пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Чилтўғон” маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар етакчиси бўлиб ишлайман. Маҳаллада “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” шиори остида ёшлар билан ишлашнинг янги амалий бошқарув механизми жорий этилди.

Ана шу асосда йил бошидан буён “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг оиласи тўлиқ ўрганилган ҳолда уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд

қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарга 70 миллион сўмга яқин субсидия ажратилди. Шу орқали уларнинг оила аъзолари ҳам иш билан таъминландиган бўлди.

Маҳалладаги Зиёда исмли тикувчи киз “Ёшлар дафтари” орқали олган тикув машинаси ва оверлог ёрдамида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Унинг онаси ва опаси ипдан кўғирчоқ ясашади, Зиёда эса уларга кийимчалар тикади. Улар ана шу орқали ўз-ўзини иш билан таъминлаш билан бирга яхшигина даромад ҳам топишяпти.

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши учун катта имкониятлар яратилиб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Яқинда маҳалламизда истиқомат қилувчи икки нафар профессионал ва олий таълим муассаса ўқувчи ва талабасига тўлов-контракт суммасининг ярми қоплаб берилди.

Ёшлар балансини шакллантириш жараёнида Мирмуслим исмли ёш йигитнинг уйига бордим. Унинг ота-онаси иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, Мирмуслим уларнинг яққаюягона, ишонган тоғи экан. Йигит шу йил олий таълим муассасасига

тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинганини, лекин шартнома пулини тўлашга имкони етарли эмаслигини айтиб, бу йил ишлаб турмоқчи эканини айтди. Шунда мен Мирмуслимга: “Укажон, агар контракт суммангни бир қисмини “Ёшлар дафтари” жамғармасидан қоплаб берсак, ўқишни давом эттирармидинг?” деб сўрадим. У эса кўзларига ёш олиб “Ҳа, албатта”, – деб ишонар-ишонмас жавоб қайтарди.

Мирмуслимни “Ёшлар дафтари” платформасига жойлаштириб, керакли ҳужжатларини тайёрладим. Орадан чамаси йигирма кунлар ўтиб, тўлов-шартнома пулининг ярми – ўн икки миллион сўм миқдори қоплаб берилди. Бу хабарни эшитганимда, аввало ўзим қувондим. Дарҳол Мирмуслимнинг ёнига бориб, тўлов-квитансияни кўлига берганимда, кўзларидан хурсандчилик ёшлари қалқиди. Ота-онаси ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлиб, имо-ишора билан кўлини дуога очди. Унинг хонадонидан қайтар эканман, қилаётган ишларимдан қониқиш ҳосил қилдим, фахр туйғусини ҳис қилдим.

Ҳозир яна икки нафар талаба контракт суммасининг бир қисми қоплаб берилиш жараёнида. Ўқув курсларида замонавий касблар ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича беш нафар ёшга жорий харажатларни қоплаш учун субсидиялар ажратилди.

Оиласи иқтисодий қийинчиликка учраган икки нафар ёшнинг сафарбарлик чақирув захираси хизмати бадали “Ёшлар дафтари”дан тўлиқ қоплаб берилди. Шунингдек, маҳалладаги иқтисодий қийинчиликка юз тутган ёшларнинг икки нафарига автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш курси харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Ўнлаб ёшларга юридик маслаҳат ва маънавий ёрдам берилмоқда. Ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш мақсадида бир нафар ёш тадбиркорга имтиёзли кредит ажратилишига кўмак кўрсатилди. Бундан ташқари маҳалладаги истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун

хомийлик асосида икки нафар ёшга спорт анжомлари олиб берилди.

Маҳаллада таъмирталаб ҳолатга тушиб қолган футбол майдончаси туманининг 2-сектор раҳбари ёрдамида тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Майдон универсаллаштирилиб, ҳозирда спортнинг волейбол тури бўйича ҳам машғулотлар ўтказилапти. Ўттизга яқин ёшнинг бандлиги таъминланди, ўндан зиёд ёшга уч ойлик ўқув курсларига бепул йўлланма берилди. Ёш оилаларнинг 60 нафар фарзандига хомийлар ёрдамида турли хил ўйинчоқлар, йигирма нафар оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Маҳаллада ўтказилган “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида юзлаб янги истеъдодлар кашф этилди. Ҳар бир кўчада спортнинг футбол, волейбол турлари бўйича жамоалар ташкил этилди. Республикада кўзга кўринган ижодкорлар, таниқли журналист, шоирлар, актёрлар билан ижодий учрашувлар, давра суҳбати ўтказилди. Бу учрашувлар маҳалламиз ёшларида унутилмас таассурот қолдирди. Маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида режали муСОБАҚАЛАР ўтказилиб келинмоқда. Бугун маҳалладаги ёшлар етакчиси чинакам маънода маҳалладаги ёшлар эгасига айланди.

Ёшлар камолоти, манфаати, ёруғ иқболи, бахту саодати – Янги Ўзбекистон келажагини барпо этишдек улуғвор мақсадимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Зеро, эътибор бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади. Агар бизда ҳар қанча иқтидор бўлмасин, қўллаб-қувватланмасин, сайқал топмайди. Шу маънода, биз маҳалламиз ёшлари ўз тақдиримиздан беҳад миннатдор-миз.

Жаҳонгир НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар, Олмазор
туманидаги “Чилтўғон” МФЙ
ёшлар етакчиси.



Дунёнинг топ университети –
Стэнфордга тўлиқ грант ютган
ўзбек қизи ҳикояси

«ОТАМ ҚИЗ ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАМАГАН»

Фарангиз Муродий Тошкентда туғилиб, 4-синфгача шу ердаги мактабда ўқиган. Кейин Туркияга кетади ва қолган ҳаёти Истанбул билан боғланади. У барча ютуқлари ортида онасининг қўллаб-қувватлаши ва ишончи турганини айтади.

Онаси ишлатган «ҳийла»

Фарангиз Туркияга бориб, 4-синфни бошлаш арафасида онаси унга янги синфга ўтиш учун имтиҳон топшириши кераклигини айтади. Бунинг учун эса яхши тайёрланиб, турк тилида имтиҳон топширишга тўғри келади. Мактабда доим биринчи бўлишга ҳаракат қилган, аъло баҳоларда ўқиган Фарангиз Туркияда ҳам бу пешқадамликни қўлдан чиқаргиси келмайди. 3 ойлик ёзги таътил давомида 1-синфдан 3-синфгача бўлган туркча дарсликларни ўқиб, имтиҳонга тайёрланиб чиқади. Лекин янги ўқув йили бошланиши арафасида ҳеч қанақа имтиҳон қилинмай кейинги синфга қабул қилинади.

Қизалоқ бу онасининг қизининг яхши ўқиши учун қўллаган «ҳийласи» эканини кейин пайқаб қолади. «Онам ўзи кўп тилларни билгани учун бизни ҳам ҳар томонлама ақлли қилиб ўстиришга ҳаракат қилган. 4-синфни Туркияда давом эттиришимга тўғри келганда, онамнинг ўшанда ишлатган усули менга доимо асқатди», – дейди Фарангиз.

Доимо энг яхшиси учун ҳаракат қилиш

Америкадаги олийгоҳларга киришнинг асосий шартларидан бўлган SAT имтиҳонидан 1560 баллни қўлга киритган. Бу имтиҳондан энг юқори балл 1600. Қизиги, у бу натижага мустақил тарзда, ўзи китоблардан ўқиб тайёрланганини айтади. Фарангиз SATдан юқори балл олиш учун жами 5 марта имтиҳон топшириб, охирида ўзи истаган натижани қўлга киритган. Шунинг учун у бу билимини бошқа ёшларга ҳам ўргата бошлаган ва бунинг учун YouTube каналини ҳам ташкил қилган.

«Бундан мақсадим, потенциали бор ўқувчиларни юзага чиқариш ва уларнинг ҳам юқори балл олишида кўмаклашиш», – деб айтади у.

Фарангиз Йел, Ҳарвард, Стэнфорд ва Дартмут – дунёнинг топ 20талик рўйхатига кирувчи олийгоҳларига ҳужжат топширган. Одатда абитуриентлар 20-30талаб олийгоҳларга ҳужжат топширади. Фарангиз эса атиги 4та олийгоҳни танлаган. Бунинг сабабини эса болалигидан энг яхшисига эришишга ҳаракат қилиб келгани билан изоҳлайди.



“Шунинг учун ҳам энг топ олийгоҳларни танладим ва ҳаракат қилсам, албатта, уларга киришимга ишонардим. Бошқа университетларга ҳам кира олардим, лекин бундан ўзимнинг кўнглим тўлмасди”, – дейди у.

Стэнфорд дунёни ўзгартирмоқчи бўлганларни танлайди

«Стэнфордни танлаганим сабаби у ерда тадбиркорлик, бизнес соҳасида йирик стартаплар қилиш имкони кўп. АҚШдаги олийгоҳларга қабул қилинишда SAT, IELTS имтиҳонидан ташқари, талабгорнинг кадрияти, дунёқараши муҳим ўринда.

Имтиҳондан катта баҳо олишингиз мумкин, лекин бу сиз жамият учун фойдали инсон бўлишингизни англатмайди. Масалан, Стэнфорд кадрияти бўйича ижтимоий соҳада дунёни ўзгартирмоқчи бўлган инсонларни танлайди», – деб тушунтиради у.

Буни талабгор ёзаётган иншоларида, сўралган фаолият турларини ёзаётганда кўрсатиши лозим.

«Ариза тўлдирганда фаолият тури деган жойи бор. Бунда кўп талабалар тўлдириш керак бўлгани учунгина тўлдиришади. Турли волонтерлик дастурларида ҳам аризанинг шу қисмини тўлдириш учун қатнашишади. Яъни мақсад аризани тўлдириш эмас, мен дунёга қандай фойдали инсон бўламан деган қараш бўлиши керак. Мен эса ўзим қизикиб, айнан битта йўналишда турли дастурларга қатнашиб юрганман. Яъни ичимдан хоҳлаганман ва бу аризамда ҳам кўринган», – дейди у.

Стэнфорд Фарангизга жами 370 мингга яқин грант ажратган. Бу пул 4 йил бакалаврда ўқишга етади. Олийгоҳда ўқиш йилига 100 минг долларга

яқин тушади. Хўш, нега битта талабага бунча кўп миқдорда грант ажратди?

Қаҳрамонимизнинг айтишича, университет талаба ўқишни тугатгандан кейин сарфланган инвестицияни оқлайди, янги Google ёки кейинги SpaceXни куради деб ишонишади.

«Отам ташлаб кетгани менга фақат мотивация берган»

Фарангиз ютуқлари ортида фақат онаси турганини айтади. Отаси қиз фарзанд туғилишини хоҳламагани учун Фарангиз ҳали дунёга келмасиданоқ улардан воз кечган.

«Оилада икки қизмиз. Опамдан кейин отам ва онам яна фарзанд кутишаётган бўлган, яъни мени. Отам доимо ўғил фарзанд хоҳлагани учун менинг ҳам қиз бўлишимни эшитгач, онам билан ажрашишга қарор қилган. Шундан кейин умуман бизга на моддий, на маънавий ёрдам кўрсатган. Отамни кўрмаганман ҳам», – дейди у.

«Ўрганишни ўргатиш керак»

Фарангиз, шунингдек, ўзбек таълим тизимида учрамайдиган, лекин ўқувчи учун жуда муҳим бир жиҳатни санади. У мактабларда ўқувчига билимни қандай ўрганишни ўргатишмаслигини айтди. Яъни билимни мустақил тарзда қандай ўрганиш мумкинлиги ҳақида гапирилмайди.

«Ўқувчига самарали шаклда билимни ўрганиш тушунтирилса, у кимёми, биологиями, математиками ҳаммасини илиб олади. Ўқувчи ўзининг ўқиш даражасини таҳлил қилиб, ўзини тушуна олади», – дейди у.

Зухра АБДУҲАЛИМОВА
суҳбатлашди.

“БАХТИМ ШУЛ ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН!”

Инсон ҳаётга бир марта келади. Шу умри давомида яхши амаллари билан дунёда яхши ном ҳам қолдирмоғи керак. Инсон чин маънода ҳақиқий бахтни ўшанда ҳис қилади. Мен дунёдаги бахтлилар қаторидаман, негаки жаннатмакон диёр – Ўзбекистонда тугилдим. Ва энг олий мақсадим ҳам шу диёр равнақига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўймоқдир.



2021-йил Президентимиз Зулфия номидаги давлат мукофотини катта ишонч билан менга топширдилар. Менга билдирилган бу ишонччи албатта, оқлашим керак. 5-синф остонасида турганимда Сирдарё вилоятидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўқувчилар сафига қабул қилиндим. Мактабимизда рус, инглиз тиллари билан бир қаторда француз тили ҳам чуқурлаштирилиб ўргатилар эди. Устозим Адил Мингжигитов француз тилидан дарс берар эдилар, айнан устозим туфайли бу тилга бошқача меҳр қўйдим. Тилни ўрганиш асносида турли Республика ва халқаро микёсдаги кўрик-танловларда иштирок эта бошладим. Қолаверса, бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган 2 қисмдан иборат “Француз тилини ўрганмоқчимисиз, марҳамат!” номли ўқув қўлланмаларим чоп этилди. Ҳар йили ўтказиладиган “Билимлар беллашуви” танловининг Республика босқичида қатнашар эдим, бу танловда кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдим. Гарчи икки марта совриндор бўлган бўлсам-да, ўз натижамдан қониқмасдим. Чунки мен ҳали мақсадимга эришмагандим. 11-синфлигимда эса Фан Олим-

пиадасининг Республика босқичида 1-ўринни олиб, мутлоқ ғолиб бўлиш насиб қилди. Ўша йили мен учун жуда омадли йил бўлди, мактабни аъло баҳоларга тамомлаганлигим учун “Олтин” медал билан ҳам тақдирландим. Олимпиаданинг имтиёздан фойдаланиб, ўқишимни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига давом эттирадиган бўлдим.

14 ёшимда мактабимиз маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари мени олди-га чақириб, “Мадина қизим, Зулфия номидаги Давлат мукофотига қатнашиш бўйича сени исм-фамилиянг Республикадан келди. Бир ўзингни синаб кўрмайсанми?” деган эди. Умуман ўша вақтгача шунақа Давлат мукофоти мендек митти қизни номзодини бериб кўриш ҳаёлимга ҳам келмаган эди тўғриси. Лекин мен ўшанда ҳа албатта қатнашаман, ҳаракат қиламан дедим. Ва ўша 6 йилдан буён ҳар йили номзодим Республика босқичига жўнатиладиган эди, айнан олтинчи йилдаги ҳаракатимда ушбу мукофотга лойиқ деб топилдим. Ҳар йили фақат бир йўналишдан, яъни таълим йўналиши бўйича қатнашдим.

6 йиллик ҳаракатлар, мендек митти қизга катта юрак берган ота-онам, устозим Адил Мингжиги-

товнинг билимлари, ёрдамлари билан Юртбошимиз қўлларидан Зулфия номидаги Давлат мукофотини олдим. Ўша вақтда мен ҳали юртимизга хизмат қиладиган дипломат бўлиб етишимиз ва Юртбошимизнинг ёнида тиргак бўлишим кераклигини ўша дамда яна бир бор чуқур ҳис қилдим.

Университетим мени сиёсат йўналишида билимларга эга бўлишим, кўплаб хорижий тилларни ўрганишимга сабабчи бўлди. Амалиётимни ҳам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ўтадим. Айни вақтда мен бакалаврни тугатиш арафасидаман, бундан кейинги йўл эса албатта магистратура босқичида таҳсил олишга етакламоқда. Қолаверса, ҳозирда ёш оилали, бахтли онаман. Ҳали эришадиган орзуларим, олдимга қўйган мақсадларим бисёр. Бунинг учун эса интилиш ва ўқишдан, ўз устимда ишлашдан тўхтамайман. Ахир, дипломатия соҳасида кучли мутахассис бўлиб етишиш катта масъулият талаб қилади. Мақсадларим томон тинимсиз меҳнат ва умид билан ҳаракат қилсам, муваффақият доим осон йўллар билан эшикларини очиб келишига ишонаман.

Мадина СУННАТОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
соҳибаси

“Забаржад”ни оз бўлса-да кашф эта олдим

Исмим Забаржад, ҳозирда Қарши давлат университети битирувчисиман. Ёшлигимдан исмимни айтганимда кўпчилик ҳайратланишига ўрганиб қолганман. Тезда маъносини айтганимда ҳайратлари икки баробар ошар эди: “Оч яшил қимматбаҳо тош, забаржаддек бебаҳо қадрли қиз (арабча), исмимни аям “Навоий асарлари луғати” дан қўйганлар”. Буни айтишимдан мақсад, баъзан исм ҳам инсон тақдирини ўзгаришига сабабчи бўларкан. Зиёлилар оиласида туғилганман, ота-онам ўқитувчи.

Ёшлигимдан китобга, ўқишга бўлган меҳримни оширган инсонлар. Мактаб пайтимда аям биринчи устозим бўлганлар ва ҳеч ҳам эркаланишга, бошқалардан ажралиб туришимга қўймасдилар, менга нисбатан анча қаттиққўл эдилар, синфда ҳамма қатори ўқувчи эдим. Дадам ҳам шу мактабда ўқитувчи бўлганлар ва барча эркаликларим дадам орқали бўларди. Кичиклигимданок “мен”имни шакллантиришимда уларнинг ҳиссалари катта бўлган, аям иккинчи деган натижани хоҳламасдилар, ё биринчи бўл ёки умуман қатнашма дердилар. Шу сабабми, мактаб даврларимдаёқ доим биринчиликка интилардим, ҳамманинг ҳайратини ошириб, ота-онам мендан хурсанд бўлиб, фахрланишларини хоҳлардим. Миямда фақат шу фикр билан ҳаракатланганман.

Йиллар ўтиб, мактабни тамомлаб лицейга ўқишга қабул қилиндим. Лицейимизда ҳар куни ҳаёт қайнарди: ҳамма ўқиган, изланган, билимлар кураши кетарди. Лицей менга кўп нарса берган: устозлар, дўстлар, ҳаёт дарслари ҳамма-ҳаммасини. Шу тариқа биринчи йилни ўзидаёқ университетга кирганман, грантга озроқ балл етмаган. Контрактга ўқишни хоҳламаганман, лекин ота-онам ўқийсан, дейишган. Университет даври ҳаётимда алоҳида ўрин эгаллайди. Айни шу масканда аниқ мақсадлар қўя бошладим ва шунга қараб ҳаракатларим ҳам аниқ бўлаверди. Парвозларимнинг илк маскани – айни шу ердан – университетимдан бошланган. Кеча-ю кундуз ота-онамга яхши ном келтиришни, телевизорлардан кўриб мендан фахрланишларини хоҳлардим, ҳаракат қилардим. Мақсадларим ухлатгани қўймасди...

2022-йил феврал ойлари эди, давлат идорасида компьютерда ишлаб тургандим, тўсатдан Давлат

стипендияларини натижалари чиқиб қолди ва мен билан бирга ҳужжат топширган опани табриклаш учун телефон қилдим ва у ҳам мени табриклади. Қотиб қолгандим ҳайратдан ва тўхтамай йиғлардим...Мен удаладим...“Навоий” номидаги давлат стипендияси совриндори бўлдим. Ота-онам, устозларим фахрланишди, фақат улар биларди, бу учун қанчалик ҳаракат қилганимни.

Ютуқлар ютуқларга уланди, 2022-йил апрель ойида 5 ой аввал ҳужжат топширган грантнинг натижалари эълон қилинди ва мен “ДААД-стипендианти” бўлдим. Германия Федератив Республикасига 100 % харажатлари қопланувчи таълим гранти ютдим. Лицей вақтида қилган орзу амалга ошган эди, осмонларча хурсанд эдим, ота-онамни кўзларидаги қувончни кўриб яна бир бор удалаганимдан ва уларни фахр ҳисларини туйганимдан. Хурсандчилигим кундан-кунга ошиб борарди ва бу вақтда давлат идорасига ишга ҳам киргандим. Бундан ташқари лойиҳалар, тадбирларда фаол иштирок этардим, ташаккурнома-ю сертификатлар билан тўлдирганман уйимизни ҳам.

Худди шундай Давлат мукофотини олишим ҳам жуда ажойиб хотиралар билан эсимда қолган. Тошкентга мени жўнатишганида ҳаттоки билмаганман ҳам Давлат мукофотига лойиқ кўрилганимни. Эртасига, 29-июн куни эшитиб ўзимни йиғидан тўхтата олмаганман, 10-15 дақиқа аям билан телефон орқали бир-биримизга йиғлаганмиз хурсандчиликдан.

Кутилган кун ҳам келди: 30-июн “Ёшлар куни”. Янги Ўзбекистон боғи. Байрам тадбири бошланди. Муҳтарам Президентимиз табриклаш учун сўзга чиқдилар ва ҳаётимда энг унутилмас гапни айтдилар, ичимга сиғмадим, хурсандлигимдан кўзларим ёшларди:

*“Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тугиб бермайин?!”*

Бу том маънода бугун Ўзбекистон ёшларига оталари томонидан айтилган бебаҳо сўзлар эди. Исмим бугун бошли Ўзбекистон боғида янгради: “Келажак бунёдкори” медали билан Қаҳҳорова Забаржад Абдурасул кизи...”. Муҳтарам Президентимиз томон борардим, кўнглим тўла ғурур ва ҳаяжон билан. Кўксимга Давлат мукофотини тақар эканлар, у вақтдаги ҳис-ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмасдим. Президентимизнинг ўша пайтда айтган сўзлари ҳали-ҳамон кулоқларим остида жаранглайди. Ич-ичимдан Ватанга бўлган меҳрим, ота-онамга, халқимга, Президентимга бўлган муҳаббатим ҳар он жўш уриб туради.

Ҳозирда ҳам талаба, ҳам “Келажак лидерлари” клуби аъзоси, “Қизлар овози” клуби бош координатори ҳамда давлат хизматчисиман. Бир вақтлар ўзим орзу қилган “Забаржад”ни оз бўлсада кашф эта олдим. Кичик меҳнатларимнинг катта ютуғи бўлган мукофотим бугун барчаники: халқим, ота-онам, яқинларим, устозларим, қўллаб турган жамоаларимники. Исмимга мос киз бўлиш учун ҳали олдимга қўйган мақсад ва вазифаларим улкан. Жонажон Ватаним осмонида Забаржаддек порлаб, халқимнинг, Ватанимнинг қорига ярайдиган инсон бўлишга ундайди бу юрак. Бугун бир ўзбек кизи бўлиб, керак бўлса Муҳаратам Президентимизнинг ёнларида туриб, улар олиб бораётган ислохотларида камарбаста бўладиган, халқимизнинг ҳақиқий кизи бўлишга ваъда бераман!

Забаржад ҚАҲҲОРОВА,
“Келажак бунёдкори” медали соҳибаси
“Қизлар овози” клуби
Қашқадарё вилояти бош координатори



Cambridge International University ва Cambridge International College'лари директори, IDP IELTSнинг Ўзбекистондаги асосчиси Умиджон ИШМУҲАММЕДОВ билан суҳбат.

СОҒЛОМ ЭҲТИЁЖЛАР СОҒЛОМ РИВОЖЛАНИШ ДИАЛЕКТИДИР

— Умиджон ака, аввало суҳбатимизга розилик билдирганингиз учун раҳмат.

Бир китобда ўқиганим бор, инсон қачон "табиий боғлиқлик ришталари" дан юксалиб, барчага баробар "боғлиқлик риштаси" ни ярата олса, у чинакам комил инсонга айланар экан. Сизни бир неча йилдан бери кузатаман ёшларни мақсад сари интилганида эришиши мумкин бўлган билимларни эгаллаши учун қўлингиздан келган барча ишларни қилиясиз. Мулозаматга йўймангу, илм йўлида ёшларни қўлловчи, маёқ ёқувчи, мақсад сари бошловчисиз. Хўш, Умиджон Ишмухаммедовнинг мана шу даражага эришганига қадар қўлловчи, маёқ ёқувчи, мақсади сари бошловчилар ким бўлган? Ва бу йўлда доимо янгилик қилиш учун нимадан куч оласиз? Сўзимиз аввалида шу хусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Юқорида ўринли ибора ишлатдингиз: "табиий боғлиқлик ришталари", "барчага баробар "боғлиқлик риштаси". Биласизми, ҳақиқатан ҳам, яхши хислатлар ҳам, ёмонлари ҳам юқумли бўлади. Сабаби ўзимизга нимани яқин олсак, қандай инсонларга яқин бўлсак, бизга ҳам юқади. Ахир заминимиз битта. Бу заминнинг бағридан юлқиниб чиқиб кетолмаймиз. Шундай экан, дунёда тинчлик бўлиши, яхшилик ва эзгулик устун келишига унда яшаётган барча инсон бирдек масъул. Озми-кўпми, ёшларга тўғри мақсад, тўғри йўл топишларига ёрдам бера олаётган бўлсак, демек мақсадимиз томон тўғри йўлда эканмиз.

Ёшларнинг тақдирини дахлдорлик қилиш, албатта, осон эмас. Чунки ҳар қадамда синов, нафс нағмалари бор. Бу — мушкул, ўта мушкул юмуш. Аммо ана шундай маҳалда ён-атрофингизда сизга хайрихоҳ яқинларингиз — ота-она, опа-сингил, самимий дўстларингиз бўлса, нур устига нур экан. Буёғини сўрасангиз, сиз назарда тутаётган даражага етиб келишимга сабабчи бўлган, маёқ ёқувчи инсонлар, шубҳасиз, ота-онам. Йўлимиздан чиққан катта-кичик муаммоларни ҳал қилишда ҳам, доимо олдинга интилиб, янгилик қилиш учун ҳам, энг аввало, куч-ғайратни ота-онанинг дуолари ва шубҳасиз, ёшларнинг ўзидан оламан. Тўғриси, ҳали жуда катта янгиликлар қилиш ниятларим бор. Кўнгилда, мақсудда ўйлаб юрганларимиз бор. Лекин "даражага эришиш" деган сўз кўплар қатори, менга ҳам наъша қилмади.

— Иқтидорсиз бола бўлмайди. Яратган эгам ҳар бир банда имконига бошқаларникидан кам бўлмаган қувват захирасини берган. Фақат бу иқтидор ва қувватни ўз ўрнида илғаб юзага чиқишига илҳомлантирувчи, унга куч ва шароит туғдирувчи яхлит тизим керак. Шунингдек, ҳар қандай яратилган тизим фидойи зиёлиларсиз қуруқ шаклга айланади. Хабаримиз бор, "Cambridge International University" ни мамлакатимизга олиб кирдингиз. Юқорида таъкидлаганимдек, миллат ёшларнинг иқтидорини

намойиш этиши ва юзага чиқишига қўмаклашишида ушбу лойиҳанинг аҳамияти қай даражада? Шунингдек, ушбу тизимда қандай мутахассислар ёшларга тарбия ва билим беради?

— Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжларнинг мутассил ўсиб бориши маънавият юксалиши қонунларидан биридир. Эҳтиёжлар юксалмаса, инсон ҳайвонот олаmidан, жамият табиатдан ажралиб чиқа олмас эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, жамиятнинг гуркираб ривожланиши бевосита ёки билвосита соғлом эҳтиёжлар юксалишига, турғунликка тушиб қолиши инқирози учраши ҳамда хато ғоялар таъсирига ўғиб кетиши эса сўғлом эҳтиёжлар ўсмай қолишига ёки носоғлом эҳтиёжлар устунлик қилишига боғлиқ. Аввало, эҳтиёжлар юксалиши ва жамият ривожланиши диалектик бирликни ташкил қилади. Аслида, мақсадимиз ҳам шу: жамиятда соғлом эҳтиёжларни шакллантириш, бир миллат сарҳадида эмас, балки дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга ёшларни тарбиялаш. Тўғри, ҳар бир инсонга яратган эгам бошқаларникидан кам бўлмаган қувват ва истеъдод берган. Бирок юқорида тўғри таъкидладингиз, юқтирилган иқтидор ва қувватни ўз ўрнида илғаб юзага чиқишига илҳомлантирувчи, унга куч ва шароит туғдирувчи яхлит тизим керак. Шунингдек, ҳар қандай яратилган тизим фидойи зиёлиларсиз қуруқ шаклга айланиши ҳам бор гап. Шундай экан, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишдек юксак мақсадимиз биздан ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялашни талаб этади. Ўғил-қизлар тарбияси эса кўп киррали. Зеро, буюк француз маърифатпарвари Франсуа Волтер айтганидек, "Яшамок меҳнат қилмоқдир. Меҳнат — инсон ҳаётининг айнан ўзи". Шундай экан одам меҳнат воситасида нафақат оламни, балки ўзини ҳам бунёд этади. Биз эса уларга қандай самарали меҳнат қилишни ўргатсак, бас. Бунинг асоси эса оилада.

Билсангиз, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўжар" ҳикоясида Заргаров деган персонаж бор. Ўзи ҳавойи, лақма кимса, "Мен ёшлигимда шундай тарбия кўрган бўлсам, ҳозир ерда туриб осмонда чорвачилик қилардим", дея нукул фарзандидан ёзғиради. Заргаровга ўхшаб яккаш фикрни маъқуллаб ёшлардан кўпам домангир бўлмаслигимиз керак. Чунки ёшлар муқаллид келади ва доимо катталарга таассуб қилади. Улар китобга беписандми, илмни қадрламаяптими, демек биз — катталар уларга тўғри тарбия кўрсата олмаган бўламиз. Лекин ҳечдан кўра, кеч деганларидек айбимизни вақтида тушунишимиз ва тўғри йўлга тушишимиз замон талаби бўлмоқда. Шундай экан, меҳнат қилиш ва яратувчанликни, бирор касб-ҳунарни бола дастлаб оилада ўрганиши керак.

Cambridge International University'га келсак, биз ёшларни миллатга ва умматга манфаат берадиган ҳақиқий Миллат Умидлари, илмли ва саховатли инсонлар қилиб тарбиялаш ва ўқитишни мақсад қил-



ганмиз. Шу ўринда, 1 ойда 1 ёки 2 мартаба билим ва тажрибаларимдан келиб чиқиб, барча талабаримизга тренинглари ўтаман, дўстимиз Муҳаммадали Эшонкулов ҳам бу йўналишда биз билан елкадош бўлиб, баъзан дам олиш кунлари бўлишига қарамай талабаларга қимматли билим ва тажриба беришга тайёрлар. Таълим берувчи устозларимизнинг тажрибали, чет элда яшаб малака оширган мутахассислар. Шахсан ўзим ўқитувчилар билан доимий алоқада бўлиб, талабаларимизга тегишли ҳар бир масалани биргалликда муҳокама қиламиз. Албатта, жамоа меҳнатининг самарадорлиги раҳбар ва бу жараёни қандай режалаштиришига боғлиқ, демекки раҳбарнинг ўз меҳнатини қандай режалаштириши ҳам аҳамиятли. Шундай экан, аввало раҳбар ўз устида тинимсиз ишлаш асосида мутассил инновацион-креатив ривожланишни ташкил этиши лозим. Муассаса раҳбари сифатида доимо мана шундай режимда ишлашга ҳаракат қиламан. Мақсадимиз эса бир — ёшларни дунёга олиб чиқиш.

— Умиджон ака, мамлакатимизда ҳам хорижий университетда ҳам ўқигансиз. Ушбу саволга тарози паллаларини тенг тутиб, очиқ жавоб беришингизни хоҳлардим. Сизнингча, бугунги кунда илмга боғлиқ кадрлар Фарбда қандай, Шарқда-чи? Қандай камчиликларга йўл қўйдик-ки, илмимиз шу аҳволга келиб қолди. Вазиятни ўнглаш учун нима қилишимиз керак? Нега бошқа давлатлардан 15-20 йил орқадимиз? Яъни ютуқ ва камчиликларимиз хусусида тўхталсангиз.

— Ҳеч биримизга сир эмас, мустақилликнинг дастлабки мураккаб йилларида инсон назари асосан моддиятга йўналтирилди. Айнан ўша вақт бизнинг маънавият ва илмга боғлиқ қарашларимизнинг тарозининг бўш палласида муаллақ қолганди. Шунинг учун, янги авлоднинг шаклланиши бирмунча қийин бўлди. етук мутахассис бўлиш салоҳиятига эга қанчадан-қанча ёшлар бутунлай бошқа соҳаларга ёлки хориж мамлакатига чиқиб кетишди. Инкор этиб бўлмайдики, илмда янги авлодни етишмовчиликлар ичида тарбиялаш амримаҳол. Машаққату йўқотишлар, рағбатсизлик эса олимни, педагогни синдиради. Натижа эса кўриб турганингиздек: илмга мунтазам ва етарли равишда моддий-маънавий эътиборнинг бўлмагани, олий таълимдаги тутуриқсиз

қоидалар, коррупция деган балолар таълимимизни жуда аянчли ҳолатга келтириб, ўрта авлодни майиб қилди. Бугун ҳам баъзи ўринларда сунъий тўсиқларга учраймиз. Хўш, уларни ким қўймоқда? Нега қўймоқда? Саволлар эса жавобсиз. Оғриқли нуқталармиздан яна бири ёлғон гувоҳлик беришимиздир. Яъни мактабни 5 баҳога тамомлаган баъзи ёшларнинг билими аслида 5 га лойиқ эмас. Кимдир жияни, ўғли ёки кизи бўлгани учунгина мактабни “аъло” баҳолаганга тамомлайди. Афсуски, 80 фоиз мактабда ахвол шу. Бунга кўз юмиб бўлмайди. Ёлғон Олий таълимда яна ёлғонга туташади. Натижада, коррупция, кўзбўямачилик ҳолатлари авж олади. Бундан эса истеъдодлиларгина жабр кўрапти. Қадр топмагандан кейин четга кетишга уринади. Илмда ҳар ойда ўзгаришлар қилмасдан, жамиятни, ёшларнинг онгини ўзгартирадиган, ўй-хаёлларини тартибга соладиган оқилона сиёсат юритиш керак, менимча. Илму фани тараққий этмаган халқнинг тафаккури эркин бўлмайди. Тафаккури эркин бўлмаган халқнинг ёшлари эса ўзга мамлакатлар манфаатига хизмат қилиб юраверади. Биз бугун ҳавас-ла қара-

керак. Талабаларга кўпроқ грант ва стипендияларни ажратишимиз зарур. Шунингдек, ўқитиш тизимидаги кадрлар сифати ҳам ҳар недан муҳим. Ўзимиз дуч келган ҳолатдан келиб чиқиб шунни айтишим мумкинки, Cambridge International University'ни очганимизда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари томонидан тан олинган PEARSON BTES дастурини олиб кирдик, лекин бизда бу дастурни ўқита оладиган кадрлар етарли эмас эди, чет элдан кадрлар ҳам олиб келдик, талабаларимиз учун бошида бу дастур бироз қийинлик қилди. Талабаларга IELTS 7.0 дан ва SAT 1200 дан юқори натижа эвазига грант ажратдик лекин бази ёшларда SAT нима эканлиги ҳақида ҳам тасаввур йўқ. Бу муаммони ҳал қилиш учун Cambridge International University', яъни 10-11-синфларни айнан IELTS ва SAT йўналишлари бўйича тайёрлайдиган ва нафақат бизнинг университетлардан, балки дунё бўйича ТОП университетлардан катта миқдордаги грантлар ютишлари мақсад қилинган мактабни очдик. Лекин 10-11-синф ёшидаги болалар учун ҳам биз кутган натижаларни қўлга киритиш бироз қийин бўлди, энди ёшларни 5-синфдан бошлаб ўқитиб,

гўзал. Дангасаликнинг сабаби илмнинг машаққатидан деб ҳисобламайман. Аслида, ўзларининг миллатга, умматга қанчалик керак эканликларини тушуниб етмагани, ниятни холис, мақсадни тўғри қўя олмаганликларидандир.

— Бугун “ахборот хуружи”, “оммавий маданият” деганлари ҳали етилмаган миялар, яъни ёшлар онгини тезда эгаллаб, ўз йўлига солмоқда. Уларга қарши кураш маркази эса ёшларнинг ботинида, шурида шаклланмоғи лозим. Ёшлар тақдирига бефарқ бўлмаган зиёли сифатида айтингчи, бунга қандай эришса бўлади?

— Ёши катта боболар билан гаплашганимизда ёзув пайдо бўлган замонларда уни ҳар кимга ўргатавериш хавфли саналган дейишади. Ҳақиқатан ҳам, ўқотар қуролларни дуч келган одамга ишониб бўлмаганидек ёзув ҳам хатарли қуроллар қаторига қўйилган экан. Аксига олиб, энди эса оммани дуч келган нарсани ўқийвермасликка ўргатиш муаммо бўлмоқда. Ўқиш деганда ахборот олиш назарда тутилади. Тўғри замон - бохабарники. Аммо “ахборот хуружлари” шу қадар хавфлики бутун бошли миллатни жарликка етаклаши ҳеч гап эмас. Тўғри ва нотўғри, яхши ва ёмон ахборот турлари бугун келиб чиққан нарсаси эмас, ҳар доим бўлган ва бўлади. Дуч келган маълумотни таҳлил қилмай, ўйлаб кўрмай шунчаки ишониш орқали бу хуружлар қурбонига айланиш мумкин. Асосий ечим таҳлилий ва танқидий фикрлашни ўрганиш орқали бўлади, қанчалик нотўғри ёки ёмон маълумот бўлмасин, шунчаки “ҳа, шундай эканда” деб ишонмай, ўйлаш, фикр юритиш, асл маъно-мазмунни нима эканлигини таҳлил қилиш орқалигина ахборот хуружидан қутулиш мумкин. Бу борада биз Cambridge International University'да ёшларда таҳлилий ва танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган лойиҳа – LSTI га асос солганмиз. Ҳозирда талабаларимиз деярли бир йилга яқин вақт давомида ушбу дастур орқали маҳорат дарсларини ўзлаштирмоқда.

— Охирги савол-жавобни ўз ихтиёрингизга қолдирмоқчиман. Чунки ҳар бир зиёли суҳбатга таклиф этилса, сўз фалон мавзуда борса, ушбу мулоҳазаларим билан ўртоқлашардим дейиши тайин. Лекин кўп ҳолларда суҳбатдошлар ўзини безовта қилган саволлардан нариги ўтмайди. Шу кунгача ўзингиз хоҳлаган, аммо ҳеч бир суҳбатдошдан эшитмаган саволингиз бўлса, марҳамат. Жавобини ҳам илова қиласиз, албатта...

— Дилдаги гапларни айттиришнинг энг зўр усули топибсиз. Қайси жамиятда ёшлар орасида илмга бўлган қизиқиш сусайганига дуч келсангиз, билингки, у ўқимишли, халқаро талабаларга жавоб берадиган, хорижий университетларда ўқиган ҳамда билимдан инсонларнинг етарли кадр топмаётгани билан изоҳланади. Мисол учун, ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қанчадан-қанча иқтидорли ёшларимиз хорижда ўқиб, ўша ёқларда ишламоқда. Хорижий университетда ўқиган инсон сифатида айта олмагани, уларнинг кўпчилиги ўз юрти манфаати учун ишлашни афзал билади. Бироқ ўз юртида кадр топмаси, тўсиқларга учраса, қандай йўл тутиши керак? Нима демоқчиман? Ўқимишли жаҳон ҳамжамиятида ўз ўринини топаётган билимли кадрларни она юртимизга олиб келиб, шундай кадрлайликки, қолганлар ҳам шундай бўлишга интилсин. Биз технология асрида яшаймиз. Ёшлар ҳаётга реал қарайди. Уларни қуруқ насиҳат ва пуч ёлғонлар билан тарбиялаб бўлмайди. Қуюнчақлик билан “Ҳой, бола телефон ўйнама. Китоб ўқи”, деб турсагу нариёқда китоб ўқимаган, бировларни алдайдиган, муттаҳам бир каснинг ошиғи олчи бўлиб турса, сўзларингиз ҳавога учадди. Бола муттаҳамнинг ҳаётига ҳавас қила бошлайди. демоқчиманки, илм фан эгалари бўлмиш орифларни ҳар соҳада тўрға олиб чиқишимиз керак. Шундагина уларга муносабатимиз ёшларга ибрат бўлади. Унутмайликки, ёшларни онг ва қалбга жойланган билимгина тафаккур кенгликларига олиб чиқа олади.

Муроджон РАҲМАТОВ
суҳбатлашди.



ётган илғор Ғарб жамиятлари чинакамига юксак илмга, демократик кадриятлар, эркинликнинг муҳим меъёр ва талабларини турмуш тарзига айлантириш орқали эришган.

Шунингдек, олий таълим тизимидаги камчиликларни инкор этиш инсофдан эмас. Дангал айтсак, университет ва институтларимиз чорак аср мобайнида таназзул даврини бошдан кечирди. Оқибати эса жамоатчиликка кундай равшан – коррупция, бюрократия, тизимсизлик. Қулоққа оғир эшитиладди, бироқ начора, айтай десангиз – тилингиз, айтмай десангиз – дилингиз қуяди. Хўш, нима қилмоқ керак, Аввало, жаҳондаги нуфузли университетлар тизимини университетларимизда жорий этишимиз

юқори натижаларга эришишлари учун фундаментни мустаҳкам қўйишни режалаштиряпмиз.

Шукурки, ёшларни илмга тарғиб қилаётган зиёли ўқимишларимиз кўпаяпти. Учрашувларда кўзлари чақнаган, билимга чанқок, янгилик излаган ёшларни кўриб, хурсанд бўламан. Яқинда дўстимиз Темурбек Адҳамов асос солган “Осмондаги болалар” кўрсатувининг умумий кўришлар сони 16 миллиондан ошганини кўриб хурсанд бўлдим. Чунки ёшларимиз ТикТокда эмас, илм мажлисларида ва илмли инсонларни тинглаб, ўрнат олишга ҳаракат қилишяпти. Уларни адолатсизлик, коррупция ва қоғозбозлик деган оғир тошларнинг остида эзиб қўймасак, бўлгани.

— Биламизки, ота-оналар, давлатимиз раҳбари ва зиёлиларимиз томонидан билимга олишга доир тарғибот-ташвиқот ишлари жуда кўп амалга ошириляпти. Ўқиш, билим олишга эҳтиёж шунчалик сунъиймикан, қўлловга муҳтож бўлса? Ёки билим олиш сермашаққат йўл бўлгани учун ҳам оммавийлигини йўқотиб, ўрнини бошқа воситалар эгаллаётимикан?

— Аввало қилаётган ишимизнинг моҳиятини тушуниб етишимиз, мақсадни аниқлаб олишимиз керак, шундагина вақтимизни телефон ўйнаш ёки телевизор кўришга эмас, китоб ўқиб, илм олишга сарфлаймиз. Мақсади бўлмаган инсон илм ўрганиш учун ўзини мажбурлай олмайди, чунки нега ўқиши кераклигини, нима ўқиши кераклигини билмайди. масалан абитуриентлар ўқишга кириш учун керак бўлса ухламай дарс тайёрлайдилар, ҳатто мактаб даврида кизиқмаган фанларини ҳам ўқишга ўзларини мажбур қиладилар, чунки улар бунинг мажбуриятини, талаба бўлишни хоҳлашса ўша фанни ўқишлари кераклигини биладилар. Бу оддий бир мисол эди, илм олишни игна билан чуқур қазишга ўхшатишади, ҳа илм олиш йўли машаққатли лекин манзили



“КАСБИНГИЗНИ СЕВМАСАНГИЗ, РИВОЖЛАНМАЙСИЗ...”

Биласизми, хаёт бир дарё! Инсон умрини гўёки тоғликларда муз ва қорларнинг эришидан ҳосил бўлган ирмоқларга ўхшатаман. Болалигим Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида ўтди. Аини ширин хотиралар ҳам шу ерда кечди. Ёдимда!...

Кунларнинг бирида телевизор орқали бир таниқли олимнинг хаёт-фаолиятига оид кўрсатув эфирга узатилаётган эди. Ўша вақтларда бундай жиддий кўрсатувларга эътибор қаратмас эдим. Унинг касб танлаш ҳақидаги фикрлари мени экран олдида муҳради кўйди. Олим касбий фаолият йўлида эришган ютуқлари, устозлари ҳақида шижоат билан сўзлар эди. Бир қарашда кўксини тўлдириб турган медаллари кишини бошқача тўлқилантирди. Гўёки шода-шоода медаллар сохиби, ўнлаб илмий рисоалар муаллифи ҳамда юзлаб шогирдларнинг устози бўлиш нақадар бахт! Шу кўрсатувни кўрдиму келажакда мен ҳам шундай олим бўламан, менинг ҳам ютуқларим, илмий китобларим ҳамда шогирдларим кўп бўлади дея ният қилдим. Агар киши ўз севган касбида ишлаётган бўлса у ҳеч қачон ҳар эрталаб ўзини ишга кетаяпман, деб ҳисобламайди. Ўз севган касби билан шуғулланиш кишига завқ, хурсандчилик, шижоат, рағбат ҳамда маънавий озук беради. Ўзи ёқтирган ишни қилаётган киши вақт қанчалар тез ўтиб кетганлигини

сезмай қолади, у ҳеч қачон бажараётган ишдан чарчамайди. Ахир олимларда шундай хаёт тарзи эмасми? Шу қизиқишларим ҳамда кўп йиллик уринишларим Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети География ва табиий ресурслар факултети гидрометеорология йўналишига етаклади. 2017-йилда талабалик бахтига мушарраф бўлдим! Эндиликда олдимда университетнинг энг зукко ва билимдон талабаси бўлишдек мақсад пайдо бўлди. Университетда фанларни аъло ўқиш билан бирга, жамоат ишларида, оммавий-маданий тадбирларда, республика миқёсидаги кўрик-танловларда, мусобақаларда фаол қатнашиб, илмий-амалий конференциялар ва турли мавзудаги тадбирларда ўзимнинг маърузаларим ҳамда инновацион таклифларим билан фаол иштирок этишда давом этдим ва бир нечта совринли ўринларни эгалладим. Олимликка давогарлик ўз-ўзидан бўлмайди албатта! Эндиликда соҳамга доир ғояларимни нафақат илм аҳли балки кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш мақсадида университетда ўқиб бошлаганимдан публисстик мақолалар ёза бошладим. Илмий изланишларим намуналари республика ва маҳаллий матбуотда, жумладан, “Устаз жולי”, “Салиқ жаналиқлари”, “Тараққиёт кўзгуси”, “Менинг оилам”, “Қарақалпоқ университети”, “Жеткиншек”, каби газета ва журналларда мунтазам чоп этилди. Бу эришаётган ютуқларим менга янада қанот бўлди.

Халқимизда бир мақол бор “Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан” учинчи босқич мен учун жуда омадли бошланди “Талабалар фестивали – 2019”нинг “Энг яхши тахлилий мақола” номинациясида 1-ўрин сохиби бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан 1-даражали диплом билан тақдирландим. Бу мен учун жуда катта мотивация бўлди янада ўз устимда кўпроқ ишлаш бундан катта марраларни забд этиш учун изланишди бошладим. “Йил талабаси-2019” Республика танловида қатнашиб Республика босқичида ғолиб бўлдим. Танловдан сўнг университетимизда кўпчилик талабалар шу танловга қизиқишлари мендан маслаҳат сўрашни бошлашди. Мен эса олдимга катта мақсадларни кўйдим. 2020-йил 26-август куни ҳаётимда жуда қувончли кун бўлди. Президентимизнинг қарори асосида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу



сида ўқишга қабул қилиндим. Эндиликда илмий изланишларимни шу факультетда давом эттириб олим бўлиш иштиёқи янги-янги марраларни забт этишга ундамоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа доирасида тадқиқот олиб боришга муҳтож бир қанча йўналишлар мавжуд. Шунинг учун магистратуранинг ўқиш бошлангандан кафедрамиз профессори геология – минерология фанлари доктори, М. Закировнинг илмий раҳбарлигида “Оролбўйи ҳудудлари муҳандислик-геологик шароитларининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши” мавзусида биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бордик ва илмий мақола ва тезисларимиз 15 дан ортиқ халқаро журнал ва конференция тўпламларида чоп этилган. Мана яқиндагина магистрлик диссертациясини мувофақиятли ҳимоя қилдим. Ҳозирги кунда олдинда турган мақсадларимнинг энг олийси ўзим фахрланадиган касбимда етук мутахассис бўлиш. Мен касбим билан фахрланаман!

Ишонинг, касб – бу фақат пул топиш усули эмас, балки ҳаётингизнинг катта қисмини мазмунли ўтказиш воситаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар сиз ҳозирги ёшингизда келажакда шуғулланишингиз учун касб танлаётган бўлсангиз, фақатгина бу касбдан моддий даромадни эмас, балки ундан олишингиз керак бўлган маънавий озукани ҳам ҳисобга олинг. Борди-ю, Сиз аллақачон бирор касбга эга бўлсангиз, аммо бу касб Сизнинг севимли касбингиз бўлмаса, қилаётган ишингиздан завқлана олмасангиз, ўз бажараётган ишингизда хурсандчилик, маъно топишга интилинг.

Президентнинг ташаббуслари чекка қишлоқ фарзандининг ҳаётини ўзгартиряптими, демек, ёшлар сиёсати чин маънода ўз натижасини берапти. Давлатимиз раҳбарининг ниятлари амалга ошяпти. Уларнинг ташаббуслари ўз меваларини кўрсатяпти деб бемолол айта оламан.

Отабек РАХИМБАЕВ,
“Мард ўғлон” давлат мукофоти сохиби



НИЯТЛАРИМ — ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМ

Киши ният қилса ва ниятига яраша меҳнат қилса, муваффақият ўз-ўзидан келаверар экан. Бу менинг бугунги ҳақиқатим ҳисобланади. Болалигимдан ота-онамнинг ниятлари, дуолари сабаб, китобларга ва адабиётга меҳр қўйдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўқишни билмасам ҳам китоб варақлашни, ёзишни билмасам ҳам дафтарга нималардир тўлдиришни яхши кўрардим. Шу сабабли ҳам аям мактабга бормасимдан илгари крилл алифбосида ёзишни ўргатганлар. Илк шеъримни ҳам биринчи синфлик чоғимда ёзганман. Бунинг ўз тарихи бор.

Устозимга бўлган меҳрим қалам тутишимга сабабчи бўлган. Секин-секин шеърларим сафи кенгайиб борди. 2015-йилда “Болалик баёти” номли жажжи китобчам чоп этилди. 2016-йилда “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг Республика босқичида шеърят йўналишида ғолиб бўлдим. Бу менинг дастлабки катта муваффақиятим эди. Шундай қилиб, “Ифтихор”, “Онам кипригига арзимас дунё”, “Ошик шамол” номли шеърый китобларим чоп этилди. Йигирмага яқин ижодий танловларнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этдим. “Ёш китобхон” танлови менинг иродамни тоблаган лойиҳа бўлди. Биринчи йил қатнашиб, ғалаба қозона олмадим.

Энг охирги ўринни эгаллаш, очиғи, алам қилган эди. Лекин мана орадан йиллар ўтиб, ушбу танловда яна иштирок этишга аҳд қилдим. Апрель ойида ўтказилган танловнинг якуний босқичида биринчи ўринни эгаллаб, “Президент совғаси” — автомашина билан тақдирландим. Танловдан сўнг қишлоғимда китобга меҳр қўйган ёшларнинг сони кескин ошди. Улар ҳам китоб ўқиб, ота-онасига машина совға қилишмоқчи. Яна бир хушxabарни айтсам, менинг ота-

о-намга “Вилоятнинг энг маърифатли ота-онаси” мақоми берилди. Ташаккурномани шахсан вилоят ҳокими топширдилар. Мен шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман. Чекка бир қишлоқда яшовчи деҳқон отанинг, уй бекаси бўлган онанинг ана шундай юксак номга сазовор бўлишгани, уларнинг фарзандлари Давлат мукофоти билан тақдирлангани - Янги Ўзбекистоннинг, адолатли жамиятнинг, ижтимоий давлатнинг негизи, бугунги қиёфасидир. “Ёш китобхон” танловида ғолиб бўлганимдан сўнг икки ой ўтиб, Президентимизнинг қарорлари асосида

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Адабиёт йўналишида ушбу мукофотга сазовор бўлганим, ота-онамнинг, устозларимнинг ишончини оқлаганим мени ғоят хурсанд қилди. Очиғи, бу мукофотни фақатгина мен олмадим. Бу мукофотни шеър дафтаримни ташлаб юбориб, “Энди шеър ёзмайман”, деганимда дафтарни ердан олиб, менга тутқазган онажоним олди. Ҳамиша ютуқ олсам, койиб, “Пастда юр, камтарлик қил, керилма, ерга қараб юр”, дейдиган отажоним олди. Ёзишни, чизишни ўргатган, адабиётга муҳаббатни шакллантирган мактабим, мактабдаги устозларим ва яна ҳозир таълим олаётган уни-

верситетим олди. 5-синфлик чоғимдан кўлимдан тутиб, давраларга олиб кирган, ота-онам қатори қўллаб-қувватлаган сеvimли ташкилотим — “Камалак” болалар ташкилоти олди. Йиғласам, ёшимни артган, “Ҳали ҳаммаси зўр бўлади. Чиданг, мағрур бўлинг. Сиз кучлисиз”, деган устозим Наргиза опа Холбоева олди. Менга энг яқин дўст бўлган, ҳақиқий дўстлик нималигини билдиган ва билдириб турадиган китоблар олди, ижод олди, адабиёт олди. Менга умид берган, мени яхши кўрадиган ва мен яхши кўрган ҳамма-ҳамма яхши одамлар олди... Мана яқинда ана шу мукофот соҳибига айландим. Бу гаплар билан мактанидан йироқман. Фақат бир нарсани айтмоқчиман. Президентнинг ташаббуслари чекка қишлоқ фарзандининг ҳаётини ўзгартиряптими, демак, ёшлар сиёсати чин маънода ўз натижасини берапти. Давлатимиз раҳбарининг ниятлари амалга ошапти. Уларнинг ташаббуслари ўз медаларини кўрсатяпти. Эндиги мақсадларим ҳам жуда юксак. Президентимиз менга мукофот тақар экан, уларга “Сиз менга “Мард ўғлон” тақиясиз, мен келажакда бу мукофотга жавобан Ўзбекистонга “Нобель” олиб келаман”, дедим. Дейишга дедим-у, ҳозир ҳар куни бир хаяжон босади. Ваъда бердимми, энди уни бажаришим керак.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиб,
“Ёш китобхон” танловининг Республика
босқичи ғолиби
Сирдарё вилояти**

КИТОБНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

Аmmo шундай асарлар, шундай китоблар бўладики - уни ўқиган китобхон кунлар, ойлар ҳатто йиллар давомида шу асар қахрамонлари билан яшайди. Китобхон бу асар оламига шундай шўнғийдики - гўё ўзи шу асар қахрамони бўлади, гоҳида асар қахрамонлари билан йиғлайди, гоҳида улар қувончига шерик бўлади.

Шундай асарлардан бири А. С. Пушкиннинг “Йевгений Онегин” шеърый романидир. Пушкин мазкур асарда полифоник тасвир усулининг шундай йўлларини топганки, улар воқеликни кенг камраб олиш, муҳим ҳаётий муаммоларни тасвир доирасига олиб кириш, эпик ва лирик ибтидоларни узвийлаштириш имконини берди. Натижада, романда Пушкин яшаган даврнинг муҳим масалалари ўз инъикосини топди, ўша даврда кенг тарқалган кишилар характери тарихий, ижтимоий ва маиший шароит фониди зўр маҳорат билан тасвир этилди. Унда бирорта ҳам тарихий шахс акс еттирилмаган. Пушкин ушбу асарида рус табиати, рус жамиятининг дунёси ҳақида шу қадар кенг ва кўп изоҳ бера олганки, адабий танқидчи Белинский фикрига таяниб, бир сўз билан асарни руслар ҳаёти есиклопедияси деб аташ мумкин.

Ўзбек адабиётининг дурдоналаридан бири ҳисобланган Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи мавзуси XIX аср ходисалари — “хон замонлари” давридаги ўзбошимчаларни кўрсатишга қаратилган бўлса-да, унда роман ёзилган

давр руҳи кучли. Асарни “Меҳробдан чаён” деб аташ, зиёли уламоларни қахрамон қилиб танлашдан мурод муқаддас даргоҳ — саждагоҳдан чиққан, ўша даргоҳга номуносиб мунофиқ, қаллоб, тубан кимсаларга, ҳасадгўй, еътиқодсиз кишиларга ишорадир. Романда Анвар билан Раънонинг севги саргузашти, қалб назокати шоирона тараннум этилган. Мактабдор Солих маҳдумнинг юмористик образи адабиётхуноликда ёзувчининг жиддий ютуғи, кашфиёти сифатида еътироф қилинган. Унда давр зуғуми муайян даражада сезилса ҳам, адибда гоҳо тарафқашлик майллари кўринса-да, амалда реализм мавкеида турган, тарихий ҳақиқатни мумкин қадар ҳаққоний ифодалашга интилган.

Навбатдаги Арвар Иргашев ва Юлия Медведовскаянинг “Бир юз бир” романи йигирма йил муқаддам Голландиядаги совет ҳарбий кабристониди кўмилган 101 нафар ўзбек асирлар ҳақида. Маълум бўлишича, 101 аскар Германиянинг Собик Иттифок худудига бостириб кирганининг биринчи ҳафтасида Смоленск яқинида асирга олинадиди ва улар ташвиқот мақсадида нацистлар то-

монидан босиб олинган Голландияга юборилади. Фашистлар оч осиеликлар йемак учун бир-бири билан қандай уришиб-талашишни кинокамерага тасвирга олишни ишташади. Бироқ ўткир тиканли панжара ортидан улоқтирилган нонни асирлар ўзаро тенг бўлиб йейишгани уларнинг ҳафсаласини пир қилади.

“Бир юз бир” романи Голландиядаги Амерсфорт концентрацион лагеридаги машаққатларга мардонавор бардош берган ўша 101 нафар ўзбек ҳарбийларининг фожиали тақдири ҳақида ҳикоя қилади.


Тарих воқеалари ҳақида сўзловчи Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси баркамол авлод тарбиясида муносиб ўрин егаллайди. Ўқувчиларимиз кучли инсоний характерлар билан, киши қалбини ларзага келтиувчи ҳаётий зиддиятлар билан танишадилар.

Ўзбек халқи тарихининг ёруғ юлдузи, буюк мунажжим, маърифатпарвар олим Муҳаммад Тарағай ибн Шоҳрух — Улуғбекка бағишланган бу драма 1964-йилда яратилган. Унда адибнинг саҳна асари яратиш бобидаги маҳорати туфайли Улуғбек яшаган давр кишилар ҳаёти аниқ, жонли, жозибадор, энг муҳи-



ми, ишонарли чиққан. Бу асардаги ҳар бир сўзга, манзарага, саҳна жиҳозларига ишонасиз, уни қалбан ҳис етасиз, гўё ўзингизни шу воқеалар ичида юргандек сезасиз. Шу маънода “Мирзо Улуғбек” драмасини Ватанимиз тарихини энг ҳасратли даврдан ҳикоя қилувчи мукамал саҳна асари сифатида ҳар қанча ўқиб-ўргансак арзийди.

Сардор БЕРДИЕВ



ИРОДАНГГА ТАСАННО, АСИЛА!

Бугун орамизда ўз интилиши, билими, янги ва фойдали гоёлари билан ташаббускорлик кўрсатаётган ёшларимиз кўп. Асила Мирзаёрова ана шундайлардан бири. У Қарши шаҳрида туғилган. Отаси Убайдулло ака Омонов Шўртан нефт-газ бошқармасига қарашли объектлар бошқаруви ва сервис бўлими бошлиғи бўлиб фаолият юритади. Онаси Дилафрўз опа Ҳасанова ўқитувчи.

Асила оилада 5 фарзанднинг тўртинчиси. У Қарши шаҳридаги 25-мактабда таҳсил олган. 2013-йилгача тенгдошларидек соғлом ҳаёт кечирарди. Ҳаммаси ана шу йилдан бошланган. Навбатдаги ёзги оромгоҳларнинг бирига борганида бошига копток тегиб зарба олган. Шу сабабли аста-секин кўриш қобилияти пасайган.

— Орадан бир неча кунлар ўтса ҳам кўриш қобилиятим аввалгидек бўлмагач ота-онамга бу ҳақда айтдим, — дейди у. — Биз кўп мутахассисларга учрашдик. Аммо бирорта шифокор ёрдам бера олмади. Охири умидимиз операция эди. Лекин операция ҳам биз кутган натижани бермади. Кўзимни кўрадиган қисми ҳам бутунлай кўрмай қолди. Бу кунларни эслаш жуда оғир. Мен учун ташқи дунё ажралиб қолганди.

Мактабни тамомлаб 2014 йилда Қарши шаҳрининг “Агробизнес ва тадбиркорлик” коллежида ўқишни давом эттиради. Яқинлари кўмагида ўқишга қатнаш эди. Ота-онаси тенгдошларидан ажралиб қолмаслик учун ҳаракат қилишарди. У спортга меҳр қўйди. Бунинг



асосий сабаби фақат ҳаётга қайтиш эди. Дастлаб илк маротаба югуриш туридаги мусобақада қатнашди ва 1 ўринни олди. Натижаларидан ўзининг кўнгли тўлмаганлиги сабабли мураббийи билан учрашди. Уни терма жамоага қабул қилишини сўради.

Мураббийи унда ҳеч қанақа спортчиларга хос хислат йўқлиги-

ни, аммо интилиши ва ҳаётга бўлган мақсади юксак натижаларга етаклаши мумкинлигини айтди. Шу кундан бошлаб Асила мураббийи Сардор Абдуҳолиқовнинг уйида туриб машғулотга қатнай бошлади.

2016 йилда БААда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада иштирок этиб 3 та олтин медални қўлга киритди. Бундан Асила ўзига шундай

югуриш бўйича 2-ўрин, узунликка сакраш бўйича 1-ўринни эгаллади. 2022 йил халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси унвони билан тақдирланди. 2023 йил феврал ойида БААда ўтказилган халқаро Гран-При мусобақасида 100 метр югуришда 3-ўрин, 200 метр югуришда 3 ўрин, 400 метр югуришда 3 ўрин ва узунликка сакрашда 1-ўринни эгаллаб олтин медал соҳиби бўлди. Ҳозирги кунда эса жаҳон чемпионати мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.

Асиланинг мақсади аниқ. У ҳозир дадил интилмоқда. Ўз маҳоратини муттасил ошириб, қалбида шижоат, фидойилик, эртанги кунга ишонч, Ватанга муҳаббат туйғулари жўш ураётган бу қиз навбатдаги мусобақаларда кучлироқ тайёрланиб, фақат олтин медални қўлга кириштишни мақсад қилган.

Иродангга тасанно, Асила!

Шавкат КАРОМОВ

мақсадни қўйди: “Бу йўлда қандай машаққат бўлишидан қатъи назар, асло орқага қайтмасдан фақат олдинга интиламан. Қийинчиликлар кўп учраган бўлса-да фақат олдинга интиламан!”

Навбатдаги мусобақа 2018 йилда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтди. Унда бронза медални қўлга киритди. 2019-йилда Ўзбекистон белгиси кўкрак нишонини қўлга киритди. Шу йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетида грант асосида ўқишга қабул қилинди. 2021 йилда Параолимпиадада қатнашиши учун лицензия мусобақаларида 1-ўринни эгаллади. Ва ниҳоят ўша йили бутунжаҳон ёзги Параолимпиада ўйинларига старт берилди. 2021 йилнинг августда мусобақа куни аниқ бўлди. 2021 йил Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи унвони билан тақдирланди. Токио олимпиадасида чемпионатда 2 ўрин соҳибига айланди. 2022 йилнинг май ойида Италиядаги Жисолло шаҳрида Грантпри мусобақасида 100 метр югуриш бўйича 3-ўрин, 200 метр



ГАЗЕТА ҲАҚИДА АНТИКОРРУПЦИЯ БЎЛМАС

Автобуста кетаётган, беихтиёр икки йўловчи кизнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири Самарқанд шаҳридаги Дахбет кўчасида тушиб, матбуот дўконидан газета олиши кераклигини айтди. Ноширлик мутахассислиги бўйича тахсил олаётганлигим боис тенгдошларим орасида газетхонларини учратиш қолсам, хурсанд бўламан. Лекин кизлар мавзунини шу жойида тугатгач, менда шубҳа пайдо бўлди. Газетани ўзингиз ўқийсизми, деган саволимга, “Йўқ, бобом учун оламан”, деган жавобни эшитдим.

Хўш, бугун ёшлар нега газета ўқима-япти? Шунча вақтдан буён кузатиб, жамоат жойларида газета у ёқда турсин, китоб мутолаа қилиб турган ёшларни ҳам деярли учратмадим. Мулоқотимиз вақтида “Газетанинг даври ўтди, энди уни фақат кексалар ўқийди”, деганлари бўлди. Наҳотки жамиятимизнинг маърифат сандигидан шунчалик осон воз кечсак? Бу масалада барча ёшлар бир хил фикрдами? Мени қийнаётган шу саволларга жавоб топиш мақсадида тенгдошларим орасида кичик сўровнома ўтказишга қарор қилдим.

Сўровимда 54 нафар талаби қатнашди. Биринчи саволим: “Охири маротаба қачон газета ўқидингиз?” бўлди. Иштирокчиларнинг 35 нафари умуман газета ўқимаганлигини билдирди. 5 нафари қачон ўқиганлиги эсида йўқлигини, 9 нафари 4-5 йил олдин ўқиганлигини ва фақат 5 нафари бир-икки ҳафтада газета ўқиб туришини айтди. Ачинарлиси, улардан ҳеч бири яқин ўртада ўзи учун газета сотиб олмаган экан. Бундан хулоса қилиш мумкинки, “Газетанинг даври ўтди”, деганлар ҳам қўлига газета олиб, мутолаа қилиб кўрмаган. Улар босма нашрлар-

нинг мазмуни, мақсади ва вазифасидан беҳабар.

Газеталар билан оз-моз таниш иштирокчилар “Қайси газета сизга кўпроқ ёқади ва нима учун?”, деган саволимга йигитлар асосан кроссворд, бошқотирма, дунё хабарларига кизикса, кизларга таомларнинг рецепти, мода янгилликлари ёқади, деб жавоб беришди. Танқидий-тахлилий, кишининг дунёқаролини кенгайтирадиган мақолаларни ҳеч бири ўқимапти. Тўғри, таълимга, тадбиркорлик ҳамда маркетингга оид фойдали мақолаларни ўқийдиган ёшлар ҳам бор экан, лекин улар жуда озчилик.

“Замонавий газета қандай бўлишини хоҳлар эдингиз?”, деган умумий саволимга кўпчилик жавоб бера олмади. Бу табиий ҳол. Боиси иштирокчиларнинг асосий қисми газета ўқимаган бўлса, нашрнинг қандай бўлишини билармиди? Бошқалар эса газеталарнинг лотин алифбосида, рангли саҳифалар билан, ҳамжи кичикроқ (А2 бичимдаги нашрларни ўқиш нуқулай) бўлиши кераклигини айтишди.

Хулосам шундай бўлди – аксарият

ёшлар газета-журналлар ҳақида тушунчага эга бўлмаган ҳолда уларни эскилик сарқити деб ҳисобламоқда. Бу худдики, китоб ўқимайдиган инсоннинг китобларни кераксиз, деб даъво қилишига ўхшайди. Хўп, биз замондан одимлаб кетибмиз, барча маълумотларни интернетдан олганимиз учун даврий нашрларга эҳтиёж йўқ экан, унда Японияда нега газеталарга талаб юқори? Дунёнинг энг технологиялашган мамлакатларида қунига 3-4 миллион нусхада газеталар нашрдан чиқишини биласизми?

Тўғри интернет тармоқларида исталган маълумотни тез топишингиз мумкин. Лекин бу уларнинг барчаси ишончли, дегани эмас. Айниқса, кейинги вақтда авж олган дезинформация шароитида у ёки бу ижтимоий тармоқ қайсидир кучларнинг ғояларига хизмат қилмаётганига ким қафолат беради? Бундай дамларда кўпроқ даврий нашрларга кулоқ тутиш керак. Нега деганда улар маълумотни тахлилсиз, тахирсиз чиқармайди.

Таклифим барча таълим муассасаларида, жамоат жойларида, йирик савдо ва кўнгилочар масканларда газетхонлик муҳити яратилса. Ёши улуглар ёшларга ўрнак бўлса.

Бу кетишда газета ўқимаган авлод бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Маънавиятимиз, маърифатимизни интернетга ишониб қўймайлик.

Хилола ТОШПЎЛОВА,
Самарқанд давлат университети
талабаси

ЖАМИЯТ



Муассис:

Ўзбекистон Республикаси
Экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“XXI ASR MEDIYA-NASHRIYOT-MATBAA UYI” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
100080, Тошкент ш, Мунис кўчаси 50 А уй.
Буюртма рақами Г-
Адади: 10000.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятини бошлаган дастлабки даврлардан бошлаб кексаларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш, тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш билан бирга уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолликларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари юқоридаги фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Жумладан, “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” даги Фармони катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуроний-кексаларни жамиятнинг фаол қатлами сафига қўшиш учун қўйилган муҳим қадам бўлди. Президентимиз топшириқлари асосида юртимизда ўзининг фидойилиги, пири-комиллиги билан ёшларга ибрат бўлаётган нуронийлар иштирокида ташкил этилаётган “Уч авлод учрашуви” тадбирлари ўрта ва ёш авлод вакилларини янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Инчунун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ти-

зимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида қароридан берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси унга юклатилган асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда ёшлар ва нуроний-кексалар билан узвий боғлиқ ҳолда ишларни такомиллаштириш йўналишида бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан:

— маҳаллаларда “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида вилоятдаги 1020 та маҳаллалардаги 11500 нафар уюшмаган ёшларга 1047 нафар маҳаллада ўз мавқеиغا ега, ташаббускорлик кўрсатаётган ижтимоий фаол нуронийларга бириктирилди.

— Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бо-

шқармаси ҳамда вилоятдаги барча туман(шаҳар)лар ҳузурида жамоатчилик асосида “Фахрийлар кенгаши” тузилди. Мазкур “Фахрийлар кенгаши” биргаликда мулоқот қилиш, Агентликнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини ёшлар билан боғлаб турадиган ўзига хос “кўприк” вазифасини бажармоқда.

— маҳаллаларда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолини ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида 560 дан ортиқ турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш

— “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вилоятдаги 690 нафар кексалар ва нуронийлар ҳолидан доимий хабар олинмоқда

— Ёши улуг отахон ва онахонларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ўзининг ҳаёт мактаби тўплаган тажрибаси ёшларга намуна бўлган кексалар билан юртимизнинг деярли барча ҳудудларида “Уч авлод учрашуви” ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда бундай хайрли ишларнинг амалга оширилишидан кўзланган мақсад барчамизга аён. Яъни нуронийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турли захматлар билан босиб ўтган йўлини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишдир. Айниқса, бундай ташаббусларга давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари бошчилик қилаётгани ҳар томонлама эътиборга молик.

ЎЗБЕГИМНИНГ Тўмариси

Нью-Дехли. 22 март, 2023 йил. Бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати қизгин паллага кирган, финал яқин эди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари орасида Навбахор Ҳамидова айниқса, жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётганди. Сўнгги ўйинда жазоирлик Имане Хелифга қарши кечган жанг шиддати ва қақшатқичлиги билан спорт жамоатчилигининг диққат-эътиборида бўлди. Навбахор ҳар қанча уринмасин, бор маҳорат ва иродасини ишга солмасин, рақиб кучлилик қилди. Ғалаба Жазоир фойдасига ёзилди...

Бу ерда жиддий қоидабузарликка йўл қўйилгани, рақиблар ўтакетган ғирромлик қилишганини ўша лаҳзада ҳеч ким билмасди. Бироқ назорат таҳлилида 66 килограмм вазн тоифасида майдонга тушган ва бронза медалига сазовор бўлган спортчи организмида тақиқланган моддалар мавжудлиги аниқланди. Ҳакамлар Навбахор Ҳамидовани ярим финалнинг ҳалол ғолиби сифатида тан олишди.

– Мақсадим фақат ғалаба қозониш бўлгани учун мағлубиятдан кейин кайфиятим жуда тушиб кетди, – деб эслайди Н.Ҳамидова бу ҳақида. – Аммо ўзимни қўлга олдим, янги куч топиб, машғулотларни бошладим. Ҳали ҳаммаси олдиндалиги, бу мағлубият билан ҳаёт тўхтаб қолмаслигини англадим. Таслим бўлишга ҳақким йўқ эди. Финал куни устозимиз Элшод Расулов бронза медали билан тақдирланишим ҳақидаги хабарни айтганида ишонмадим. Рақибим дисквалификация қилингани, тақдирлаш маросимида иштирок этишим кераклигини айтишди. Ҳақиқат барибир қарор топди. Шундай бўлса-да, юр-

тимизга олтин медал билан қайтиш ниятида эдим. Бу чемпионат келгусида ўз устимда янада масъулият билан ишлашга туртки берди.

Навахор Ҳамидова 2001 йилда Жомбой туманида туғилган. 2018 йилдан буён бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

Саричашма қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабида таҳсил олган бўлажак чемпион қиз спортга анча эрта ҳавас қўйди. Ўқувчилик йилларидаёқ республика ва халқаро миқёсдаги турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

2019 йил Навбахор учун омадли келди. Ўша йили май ойида Қозоғистоннинг Олмота шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда олтин медал билан, ноябрь ойида Монголиянинг Улан-Батор шаҳрида ўтказилган Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш медал билан тақдирланди. Орадан кўп ўтмай Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида олтин медал олди.

Шунингдек, 2020 йил Тошкентда, 2021 йил

Белоруснинг Минск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда ғалаба қозонди.

“Странжа” халқаро анъанавий кубоги ёш боксчилар учун муҳим синов ҳисобланади. 2021 йилда ушбу нуфузли мусобақа Болгариянинг София шаҳрида ўтказилганди. Унда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Навбахор бронза медалини қўлга киритди. Шу йил Сербиянинг Белград шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда эса кумуш медалга эга чиқди.

Н.Ҳамидованинг ўзига талабчанлиги, изланиш ва курашдан чарчамаслиги натижасини бермоқда. Ёш спортчи 2021 йилда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада Осиё чемпиони унвонини олган.

2022 йил май. Истанбул шаҳрида бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати ўтказилиши эълон қилинди. Илк жангдаёқ вакилимиз иродали ўйин кўрсатди. Ўзбекистон бокс федерациясининг хабар беришича, ўзбек қизига рақиб бўлган қозоғистонлик боксчи Рио-Деженейро олимпия ўйинлари совриндори, икки карра Осиё чемпиони бўлган. Демак, Жомбой ифтихори ўзидан анча тажрибали рақибасидан устун келган.

Ўз устида мунтазам ишлаш албатта, ўз натижасини беради. Шу йили “Болқон” VIII халқаро турнирда кумуш медали билан кифояланган Навбахор Иорданияда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатини мутлақ ғалаба билан яқунлади.

– Навбахор Ҳамидова Тўмарис авлодларининг нималарга қодирлигини амалда исботлади, – дейди жамоа бош мураббийси Раҳматжон Рўзиохунов. – Айниқса, биринчи тур жанглари ҳаяжонли кечди. Навбахор Жанубий Корея вакили Чои Хонгеунга қарши муносиб рақиблик қилди. Яқунда 5:0 натижа қайд этгани бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир.

Бугунги кунда таниқли спортчи “Париж-2024” олимпия ўйинларига йўлланма олиш учун бел боғлаган. Келажакда Жомбой туманида йирик бокс мактабини яратиш, ўз ортидан иқтидорлик қизларни эргаштириш орзусида.

